

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВА ЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳукукида

Амирхўжаев Шукуржон Қурбонович

**МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
ЖАДИДЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ
ТАЪСИРИ.**

Ихтисослик: 5А 141502 “ Миллий ғоянинг фалсафий масалалари “

**Миллий ғоянинг фалсафий масалалари магистри даражасини олиш
учун тақдим этилган диссертация**

Илмий раҳбар:

т.ф.д. профессор.И. А. Алимов

АНДИЖОН - 2012 йил.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3-7 бет.

**1 боб. Жадид маърифатпарварлигини вужудга келиши ва давлатчилик
ғояларини шаклланиши**.....8-бет.

1.1 Жадидчилик ҳаракатини вужудга келишининг тарихий шарт-
шароитлари.....8-19 бет.

1.2 Жадидларнинг Миллий истиқлол ва давлатчилик ғояларининг шаклланиши ва амалга оширилиши.....20-31 бет.

**2 боб. Жадидларни миллий истиқлол ғоялари тарғиботида санъат ва
янги усул мактабларининг аҳамияти**.....32-бет.

2.1 Жадидларнинг адабиёт, театр ва мусиқа соҳасидаги қарашлари...32-53бет.

2.2 Жадидларнинг миллий ғояни сингдиришда янги усул мактабининг аҳамияти.
.....54-73бет.

ХУЛОСА.....74-77 бет.

АДАБИЁТЛАР.....78-79 бет.

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Дархақиқат, маърифат дунёни озод ва обод этишга, инсонни жаҳолат ва хурофот ботқоғидан олиб чиқиб кетишга, унинг маънавий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган ягона ва қудратли кучдир. Шу боис, XIX аср охири - XX аср бошларида Россия Империяси асоратига тушиб қолиб, буткул таназзулга юз тутган Туркистон ўлкасини уйғотиш, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкинлиги учун бу даврда маърифатчилик ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кучайиб кетди. Жамиятни янгиланиш зарурияти сифатида вужудга келган маърифатпарварлик ҳаракати бир қатор ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий муаммоларини ҳал этиш учун бел боғлаган илғор фикрли зиёлилардан таркиб топган бўлиб – жади́дчилик ҳаракати номи билан тарихга кирган. Жади́длар халқни маърифатли қилиш орқали миллий истиқлол ғоясини шакллантиришни ва жамиятда туб ислохотлар ўтказишни устувор вазифа деб билганлар. Аммо, мустабид совет тузуми даврида бу ҳаракат салбий баҳоланди.

Юртбошимиз И.Каримов хали мустақиллик кўлга киритилмаган таҳликали даврдаёқ, “маърифатпарвар боболаримиз – жади́дчилик намояндаларининг ҳаёти ва ижодига муносабат масаласида кўп йиллардан буён давом этаётган баҳсларга оқилона чек қўйиб, уларнинг меросини халқимизга қайтариш йўлидаги амалий, принципиал фикрларни илгари сурган”¹. Унинг, - “жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир. ...Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсакгина, олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади”²- деган сўзлари ҳеч қатон ўз қиматини йўқотмайди. Демак, маърифатпарварлик ғоясини авлод ва асрларни бир-бирига туташтириб турувчи ҳаёт бахш кўприкка қиёс қилсак бўлади. Бу кўприк шундай кўприкки нафақат авлодларнинг бир-бирига туташтиради жамиятни ҳар бир босқичида халқни миллий ўзлигини англаши ва миллий истиқлол ғоясини шаклланишида бекиёс аҳамият касб этади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, миллий истиқлол ғоясининг шаклланишида жади́дларнинг фалсафий-ахлоқий қарашларининг таъсирини ўрганиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади XIX аср охири ва XX аср бошларида вужудга келган жади́дчилик ҳаракати ва унинг миллий истиқлол ғоясини шаклланишидаги аҳамиятини илмий асосда ўрганиш орқали очиб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.:Ўзбекистон,2011. -20-21-бетлар.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз.7-жилд,-Т.: “Ўзбекистон”, 1999 й, 135-бет.

беришдан иборатдир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқот ўз олдига қуйидаги вазифалар қўйган:

- мавзуни очиб беришга хизмат қилувчи манбаларни таҳлил қилиш;
- мавзуни ёритишга имкон берувчи адабиётларни фалсафий ва ғоявий нуқтаи назардан таҳлил этиш;
- жадидчилик ҳаракатининг вужудга келишининг тарихий шарт-шароитларини ўрганиш ва таҳлил этиш;
- жадидларнинг фалсафий, ахлоқий қарашларида миллий минталитет-нинг ёшлар тарбиясида тутган ўрнини ўрганиш ва таҳлил этиш;
- миллий ғояни сингдиришда янги усул мактабни ва ёшлар тарбиясини юксалтиришда ахлоқий кадриятлари ўрни ва аҳамиятини таҳлил этиш;

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XIX аср охири ва XX аср бошларида вужудга келган жадидчилик ҳаракати ва унинг миллий истиқлол ғоясини шаклланишидаги аҳамиятини тарихий манбалар, илмий тадқиқот ишлари, архив хужжатлари ва қўлёзмалар асосида урганиш Андижон Давлат университети асосий илмий йўналишларидан бири ҳисобланади. Тарихчи олимлар Р.Т. Шамсутдинов, И.А.Алимов, Б.Расуловларнинг илмий изланиш ва мақолаларида¹, адабиётшунос Исмоил Тўлак Андижоний асарларида, Д.А. Алимованинг илмий тадқиқот ишларида, дотцент Рустам Шарипов асарларид ва бошқа тадқиқотларда жадидлар фаолияти таҳлил қилиб берилган.

Хусусан Исмоил Тўлак XX аср ўзбек адабиёти асарида² XX асрнинг дастлабки икки ўн йиллигидаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий, маданий ҳаёт ҳамда бу давр адабиётига талаб тошини қўйган ижодкорлар – М. Бехбудий, А. Фитрат, А. Авланий, А. Чўлпон ҳаёт йўллари ва ижоди таҳлил этилган.

Д.А.Алимова XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухородаги вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик, мақоласида эса, атрофлича баён этишда жадидчилик ҳаракатига алоҳида тўхталиш билан бирга ўша давр мутафаккир олимлари ҳаёти ва фаолиятига, Бухоро амирлигининг ҳукумронлиги ва Рус империяси уртасидаги воқияларга атрофлича тўхталиб ўтган.

Р. Шарипов Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан; асарида XX аср бошда Туркистонда юз берган сиёсий жараёнлар жадидчилик ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ёритилган.

Юқарида номлари келтирилган ушбу олимлар асосий мақсади XIX аср охири ва

¹ Шамсутдинов Р. Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма// Мулоқот / -Тошкент, 1991. - № 11-12 сонлар. Уни ўзи: Тарихий меросимизга бир назар. –Андижон: Мерос, 1994; Шамсутдинов Р. Расулов Б. Истиқлол учун кураш фидойилари. – Андижон:Мерос, 1993.

² Тўлак И. XX аср ўзбек адабиёти .“Андижон”, 1993йил, 4-бет. Жадидчилик:ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиё учун кураш-Т.: “Университет”,1999йил,9-бет.

XX аср бошларида Туркустон ўлкасидаги вужудга келган жадинчилик ҳаракати ва марифатпарварлар олиб борган ислохотлари ва уларнинг миллий истиқлол ғоясини шаклланишидаги аҳамиятини илмий асосда ўрганишган ва бу орқали жадинчилик фаолияти ҳақидаги қимматли маълумотлар кенг жамоатчиликка етказилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Ушбу магистрлик ишимиз амалий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, изланиш натижасида вужудга келган маълумотлар, хулосалар умумлаштирилиб ва тартибга келтирилди. Ушбу натижалар Ўзбекистон тарихида амалга оширилган XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги вужудга келган жадинчилик фаолияти ва маърифатпарварлар олиб борган ислохотлари. Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилик сиёсатини ва унинг оқибатларини ўрганиш ва бу ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилади. Тадқиқотда келтирилган маълумотлар, умумлаштирилиб назарий хулосалардан таълимнинг турли босқичларида дарс ўтишда фойдаланиш мумкин. Энг муҳими, тадқиқот ёшларни миллий маънавияти, мафкураси ва миллий ғоя руҳида тарбиялашда катта амалий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясида XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасида вужудга келган мустамлакачилик сиёсатини ва унинг оқибатида ўлкада туб аҳолининг аянчли, ҳаёт кечирганлиги ва бу тизимга қарши Жадин зиёлиларининг миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда адабиёт, театр ва янги усул мактабларини барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг сиёсий, ижтимоий, маданий аҳволини янгилашга интиланлари ҳаёти, турмуши, меҳнатини ҳозирги замон тарихшунослиги эришган ютуқлар асосида ҳамда авлодларининг хотираларини илмий ўрганиш орқали тадқиқ қилинди. Диссертацияни тайёрлаш натижасида қуйидаги асосий янгиликлар қўлга киритилди:

- мавзуга бевосита ва билвосита оид манбалар таҳлил қилинди, ишнинг манбавий асослари очиқ берилди;

- жадинчилик ҳаракатининг вужудга келишининг тарихий шарт-шароитларини ўрганиш ва таҳлил этилди;

- жадинларнинг фалсафий, ахлоқий қарашларида миллий минтали-тетнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрнини ўрганилди ва ўчиқ берилди;

- миллий ғояни сингдиришда янги усул мактабни ва ёшлар тарбиясини юксалтиришда ахлоқий қадриятлари ўрни ва аҳамиятини таҳлил этилди;

- миллий мафкура ва миллий ғоя руҳида миллий, тарихий, диний қадриятларни тиклаш, уларни ўз жойига қўйилаётган ва бойитилаётган ҳозирги давр нуктаи назаридан XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги ўтмишимиз илмий таҳлил қилинди;

Диссертациянинг объекти. XIX аср охири ва XX аср бошларида жадиждларнинг фалсафий ахлоқий қарашларининг миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда таъсирини ўрганиш ва тадқиқ этишдан иборат.

Диссертациянинг предмети миллий истиқлол ғоясининг шаклланишида жадиждларнинг фалсафий ахлоқий қарашларининг таъсирини фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш ташкил этади.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация кириш, икки боб, хулоса, иловалар, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Магистрлик ишининг умумий ҳажми 79 бетни ташкил қилади.

1 БОБ. ЖАДИД МАРИФАТПАРВАРЛИГИНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ.

1.1. Жадидчилик ҳаракатини вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари.

Тарихдан шу нарса маълумки, ҳар бир кичик ҳаракат эртанги катта ҳаракатнинг замини вазифасини ўтайди. Бу кунги мағлубият эртанги ғалабанинг амалга ошувида озми-кўпми роль ўйнайди. Бу сиз жамият ривожини тасаввур этиш қийин¹.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистоннинг рус мустамлакачилари томонидан босиб олиниши натижасида, жадидчилик ҳаракатининг вужудга келишига сабаб бўлди. Зеро, жадидлар сиёсий фаолиятининг негизи мустақиллик ва озодлик ғоялари билан суғорилган эди. Бу ғоялар авваломбор XIX асрнинг 50-70 йилларида ўзбек халқининг Россия тажовузига қарши жанглирида ўз ифодасини топган эди. Улар рус давлатининг Туркистон заминида ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин ҳам халқнинг қалбида жўш уриб турди. Бу ҳамиша ўз халқининг дардида яшаган ва унинг озодлиги учун жонини тиккан жадидларнинг онги ҳамда қалбини чулғаб олди. Чунки рус давлати минтақада миллий давлат ва қўшинни тугатиб, мустақилликни барбод этди. У ўзининг манфаатларини таъминлайдиган сиёсий-маъмурий тизимни ташкил этиб, бутун минтақани ягона эгаси бўлиб қолди. Рус ҳукумати 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этди ва К.П.Кауфманни биринчи губернатор қилиб тайинлади. У 1868 йил 1 январь куни Тошкент шаҳрининг нуфузли кишилари ҳузурида нутқ сўзлади. У ўз сўзида рус давлатининг Туркистон заминига бостириб киришини, қонли урушларни оқлаш ва хас-пўшлаш учун кўп найрангбозлик қилди². Зеро, у хонликлар даврида ўлкада адолатсизлик ва зўравонлик ҳукм суриб, халқ оммаси ҳамиша оғир аҳвол ва азоб-укубатда яшаганлигини таъкидлаб, рус давлатининг Туркистонни босиб олиш сабабини гўёки туб аҳолига озодлик ва фаровон ҳаёт бахш этиш билан изохлайди. У ўлкада ўзи тузган мустабид сиёсий-маъмурий тизимни мактаб шундай дейди: “Бахт-саодат келтирувчи янги тартиб ва қонунларни, улуғ императорнинг марҳаматини англашга туб аҳолининг ақл идроки етарлимикин?... Такрор огоҳлантираманки, сизларнинг тақдирингиз ўзларингизни кўллaringизда. Агар ўзларингизни фойдангизни ўйлаб ва бизнинг марҳаматимизни ҳис этиб, рус ҳукуматига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлсангизлар бахтли ҳаётга эришасизлар, бордию, сизлар бошқача иш юритиб ҳукуматга қарши турсангиз, ҳокимият куч ишлатишга ўтади”³.

Кўриниб турибдики, К.П.Кауфман халқни рус ҳукумати атрофига онгли равишда жипслашишга даъват этди. Акс ҳолда ҳарбий куч ишлатишини билдириб, таҳдид ҳам қилади. У

¹ **Тўлак.И** XX аср ўзбек адабиёти. “Андижон”, 1993йил, 4-бет.

² Жадидчилик:ислохот,янгилашиш,мустақиллик ва тараққиё учун кураш-Т.: “Университет”, 1999йил,9-бет.

³ Жадидчилик:ислохот,янгилашиш,мустақиллик ва тараққиё учун кураш-Т.: “Университет”, 1999йил,10-бет.

рус давлатини адолатли ва инсонпарвар сифатида тасвирлашга имкони борича ҳаракат қилади, ўзини эса мана шундай «салоҳиятли» давлатни Туркистондаги вакили сифатида гавдалантиради. Аммо, кўп ўтмай рус давлатининг ҳам, шахсан унинг ўзининг ҳам ниқоби йиртилиб, ҳақиқий киёфаси ошкор бўлади. Чунончи, К.П.Кауфман босқинчилик ва талончилик урушини давом этказиб, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларини ваҳшийларча босиб олди. Шундан кейин рус ҳукумати минтақани Туркистон генерал-губернаторлига, Бухоро ва Хива хонликларидан иборат уч қисмга парчаланган ҳолда бошкарди. Чор маъмурияти ўлкада чекланмаган мустамлакачилик ва улуғ миллатчиликка асосланган сийсат олиб борди.

Рус давлати ўлкада ўзига мустаҳкам таянч ҳосил қилиш ва ерларни ўзлаштириш мақсадида, рус шаҳарлари ва посёлкаларини бунёд этди. Бу жойларга минглаб руслар жойлаштирилди. XIX асрнинг охирига келиб ўлкадаги русларнинг сони 197.420 кишига етди. 1909 йилда эса, улар 619.320 кишини ташкил этди¹. Бунинг орқасида ўлкадаги ўтроқ ва кўчманчи аҳоли унумдор ерлар ва яйловларнинг талай қисмидан махрум бўлиб, оғир аҳволга тушиб қолди. Ўлкада русларнинг тобора кўпайиб бориши сиёсий жиҳатдан ҳам туб аҳолига ўта хавфли эди. Зеро, улар рус давлатининг мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатини мустаҳкамловчи омиллардан бири бўлган. Демак, XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистон заминида мустамлакачилик ва улуғ миллатчиликка асосланган сиёсий-маъмурий тизим ҳукм сурди.

Туркистон замини Россиядан келтирилган тайёр саноат моллари билан тўлдирилиб, рус ҳукумати ва фирмалари ундан ҳам мўмай даромадларни қўлга киритдилар. Умуман айтганда, рус давлати ярим асрлик вақт ичида маҳаллий халқларнинг бойликларини имкони борича ўзлаштиришга ҳеч нарсадан тоймади.

“Эллик йилдан бери, деб ёзган эди Фитрат эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз емирилди, номусимиз ғасб қилинди. Инсонийлигимиз оёқ ости қилинди. Тизимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар бир буйруққа, бутун борлигимизни бердик”².

Хуллас, Туркистонни Россиянинг хомашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши, аёвсиз таланиши ва қашшокланиши жаҳидларнинг ҳам, миллий буржуазиянинг ҳам нафратини уйғотди. Бу ҳолат, уларда она юртнинг иқтисодий мустақиллигини тиклаш ғояси ва курашини шакллантирди.

Шунингдек мустамлакачилик сиёсати ўлканинг маънавий ҳаётига ҳам зарба берди. Чунончи, у миллий тилни ривожланишига йўл бермай, рус тилига давлат мақомини берди. XX аср бошларида бир нечта газеталарни чиқаришга рухсат берилди, лекин улар кўп умр кўрмай

¹Жаҳидчилик:ислохот,янгилаиш,мустақиллик ва тараққиё учун кураш-Т.: “Университет”, 1999йил,13-бет.

² “Шарқ юлдузи”,1992йил,10-сон.

беркитилиб юборилди. Саводсизликни ҳукм суриши орқасида газеталар маълум бир тор доиранинг эҳтиёжини қондирди, холос. Рус ҳукумати халқ маорифини ривожлантиришни ҳаёлига ҳам келтирмай, мактаб ва мадрасаларни маблағ билан таъминламади. Айрим маълумотларга қараганда, Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг фақат бир фоизигана маорифга ажратилган. Унинг 74 фоизи русмактабларини, 26 фоизи рус тузем мактабларини таъмирлашга сарфлади. Рус ҳукумати мактаб ва мадрасаларни ўрта аср қолоқлигида сақлашга ҳаракат қилиб, уларни қаттиқ назорат остида ушлаб турди¹.

Буни сабаби шундан иборат эдики, рус ҳукумати туб аҳолининг саводини, билимини ва миллий ҳис-туйғуларини ўсишидан жуда чўчиган. У иложи борида, ўлка халқини аста-секин руслаштиришга қаратилган сиёсатни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилди. 1870 йилдаёқ Россия халқ маорифи вазирлиги маорифнинг мақсади пировардида барча маҳаллий аҳолини руслаштиришдан иборат бўлиши ҳақида қарор қабул қилган. Шунга ўхшаш фикрни Н.О.Остроумов ҳам айтган: “Рус ҳукумати маҳаллий аҳолини рус халқи билан аралаштиришга ҳаракат қилиши керак. Шу йўналишда маҳаллий аҳолининг маорифини маълум даражада ривожлантириш лозим”².

Рус давлатининг ярим асрдан ортиқ ҳукмронлиги даврида ҳукумат томонидан маҳаллий аҳоли учун бирорта замонавий миллий мактаб, ўрта ва олий ўқув юрти очилмади. Натижада ўзбек ва бошқа туб аҳоли вакиллари қоронғуликда ва қолоқликда, умуман маънавий қашшоқликда ҳаёт кечирди. Бунда, юқоридаги Н.Остроумовнинг «хизмати» катта бўлди. Шу боис ҳам жаҳид Мирмуҳсин Шермухамедов шундай ёзган эди: “Табиийки, Туркистон-тонга маориф инспектори қилиб белгилангач қарт миссионер Остроумовнинг таъсири ила бизда... мунтазам мактаб, мадраса очира олмас эди. Қарт миссионер бунга пичроқ (ифлос) бир қасд ила қарши келадир эди. Зеро, тажрибали бир мактаб ва мадрасада ўқиб чиққан шогирдларда диний, миллий ҳис-туйғу бўлар эди. Улар миссионернинг пичроқ маслағига хизмат этмасдилар. Энди революциядан сўнг миссионерларнинг уясига таёқ тикилиб тўздирилгач, қарт миссионер Остроумов Туркистондан йўқолди. Туркистон 27 йиллик шум маъулиндан қутилганидан кейингина сулу олди”³.

Ҳақиқатан ҳам, Остроумов кўп йиллар мобайнида улуг миллатчилик сиёсатининг илҳомчиларидан ва ижрочиларидан бири эди.

Рус маъмурияти ва зиёлилари орасида агар мактаб ва мадрасаларни фаолиятига имкон яратилса, “ғафлатда ётган мусулмонларни уйғониши” ва “нонимиз яримта” бўлиши мумкин, деган хавотирланиш йўқ эмас эди.

Кўрилатганидан даврда маънавий ҳаётнинг негизи бўлмишдин дахлсизлиги сақланган

¹ Жаҳидчилик:ислохот,янгилаштириш,муқтабиллик ва таракқиё учун кураш-Т.: “Университет”, 1999йил,17-бет.

² Жаҳидчилик:ислохот,янгилаштириш,муқтабиллик ва таракқиё учун кураш-Т.: “Университет”, 1999йил,18-бет.

³ Ўша манба.

бўлсада, лекин дин пешволарини жамиятдаги мавқеига қаттиқ зарба берилиб, каттиқ таъқиб остига олинди. Вақф ерларининг қисқартирилиши ва уларнинг рус маъмурияти назоратига олиниши ҳам динни иқтисодий заминини заифлаштирди. Динпешволарининг ҳар бир “ножўя” ҳаракати панисломизм ва пантуркизм сифатида қораланди. Мустамлакачилар халқнинг маънавий ҳаётини тарихий ёдгорликларни харобага айлантириш билан ҳам қашшоқлаштирди.

Бундан кўриниб турибдики, рус империясининг туб аҳолини саводли бўлишига, сиёсий-ижтимоий, маънавий юксалишига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилганлар. Босқинчилар ўзбекларни жаҳон тараққиётидан четда қолдириб, фан ва маданиятининг ўсишига катта тўсқинлик қилди. Бундай, миллатнинг бу кунигина эмас, балки келажагини ҳам барбод этувчи миллий зулм, жаҳидларнинг маънавий курашининг асосини шакллантирди

Шуни яна алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистон генерал-губернаторлари улуғ имперачилик мустамлакачилиқни энг юқори нуқтасида бўлди. Зеро, Туркистон ўлкасидаги рус генерал-губернаторларини асосий мақсадлари уларнинг сиёсий фаолияти давомида фақат ўз манфаатлари йўлида фаолият юритишини кўришимиз мумкин. Чунки Туркистон ўлкасига юборилган раҳбарларни махсус топшириқ билан юборилган эди.

Рус ҳукумати генерал-губернатор лавозимида улуғ миллатчилиқ руҳи билан суғорилган ва қаттиқ қўллик кимсаларни тайинлаган. Улар ўлкада мустамлакачилиқ сиёсати ва миллий зулмни изчиллик билан амалга ошириб бойлиқларни талашда муҳим ўрин эгалладилар. Натижада халқнинг ғазабини, нафратини келтириб чиқардилар, бу ҳол эса миллий озодлик ҳаракатларини авж олишига сабаб бўлди. Жаҳидларни миллий озодлик курашишга бу курашларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий мақсадлари Ватан ва миллат озодлиги йўлидаги ҳаракатларга асос бўлди.

XIX асрнинг 80-90-йилларига келиб миллий озодлик йўлидаги ҳаракатлар сиёсий тус ола бошлади. Узаро савдо-сотикнинг ривожланиши Урта Осиё минтақаларида яшовчи маданий жиҳатдан орқада қолган халқларнинг ҳам кўзини оча борди. Бу халқлар жаҳон тараққиётига яқин бўлган Оврупо халқлари, хусусан, руслардан ибратли томонларни ўргана бошлади, Чор амалдорларининг, ҳатто “ўзбек халқ”лари ичига кўчириб келтирилган рус мужикларининг ерлик аҳолига нисбатан ўтказган зулми чегарадан чиқди. Халқнинг сабр косаси тўлди. Натижада, босқинчилар зулмига қарши қўзғолонлар алангаси тобора кучая бошлади. Бу жиҳатдан олганда, 1897 йилда бошланган Миигтепа исёни диққатга моликдир: “Дукчи эшон қўзғолони” номи билан тарихга кирган бу ҳаракат шўролар даврида ҳам узоқ вақт ҳаққоний баҳоланмай келинди. Унга ортиқча диний бўёқлар берилиб, қўзғолонга сабаб бўлган

масалалар ёритилмади. Токи XX асрнинг 90-йилларига келиб, ошкоралик туфайли тарихнинг атайлаб ўқилмай келинган, ёки бўлмаса, нотўғри талкин этилган ўринлари қайта кўриб чиқиладиган бўлди. Шу жумладан, Муҳаммадали Исмоил ўғли бошчилигидаги Мингтепа қўзғолони қаватларида миллий озодлик ҳаракатлари бор бўлганлиги илмий жиҳатдан исботланди ва тарих саҳифаларига киритилди.

XX аср бошларида ички Россияда бошланиб кетган инқилобий ҳаракатларнинг таъсири бутун мустамлака ўлкаларига ҳам етиб келди. Россиянинг марказий шаҳарларидан бадарға қилинган рус инқилобчилари чекка ўлкаларда ўз сиёсий фаолиятини бошлаб юбордилар. Рус ва ерлик бойлар томонидан қурилган завод ва фабрикаларда турли миллатга мансуб кишиларнинг ишлаши ҳам у ерда инқилобий фикрларнинг тарқалишига туртки бўлди.

Шу ўринда Россия қўл остидаги ерларда яшовчи мусулмон халқларининг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан уйғонишига рус инқилобчиларининггина таъсирини таъкидлаш унчалик тўғри эмас. Бу даврга келиб Россиядан бўлак ўлкаларда, чунончи, Туркия ва Эронда ҳам халқнинг сиёсий жиҳатдан уйғониши бошланган ва бу ҳаракатлар, шубҳасиз, Қавказ орти, Урта Осиё минтақаларига ҳам ўз таъсирларини кўрсата бошлаган эди. Бу жиҳатдан Туркиядаги миллий истиқлол руҳи билан суғорилган ҳаракатлар қримтатар ва озарбайжон зиёлилари воситасида бошқа мусулмон халқларига таъсирини ўткази бошлаганлиги диққатга моликдир. Россия минтақаларида яшовчи мусулмонларнинг кўпчилиги марказий шаҳарлардаги илм даргоҳларига, шу билан бирга, Туркия ва Эронга ҳам бордилар. У ерда ўз билими ва сиёсий онгини оширдилар. У ердаги турмушнинг илғор томонларини келажакда ўз юртларида тадбиқ этиб, халқни фаровон, озод яшаш туйғулари билан ошно этиш армони билан яшадилар. Ҳаётнинг барча соҳаларида янгиликка, миллий ва маданий тараққиёт сари интилиш бу давр ёшларининг асосий мақсадларидан бирига айланган эди.

“Рус империясида, парчала ва ҳукмронлик қил, деган ақидага амал қилиб, ўз қўли остидаги мусулмон миллатларига мансуб халқларнинг тили, ёзувини алоҳида-алоҳида қилиб ташлади. Уларни бир-бирларига қарама-қарши қўйди. Ички низоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган хуфёна режаларни ҳам тузиб қўйдики, бу маълум маънода ҳукмрон давлатнинг босқинчилик сиёсатини ниқобловчи воситалардан бири эди”¹.

Рус мустамлакачилари олиб борган шовинистик сиёсат табиий равишда мусулмон халқларида норозилик кайфиятларини кучайтирди. Бу ҳолат истилочиларга қарши

¹ Тўлақ.И XX аср ўзбек адабиёти .“Андижон”, 1993йил, 8-бет.

қуролли ҳаракат шаклидагина эмас, балки маънавий мустақиллик, миллий-диний урф-одатларни, тилни сақлаб қолиш шаклларида ҳам кечди.

Тарихдан маълумки, кўпчилик ҳолларда катта миллат кичик миллатни йўқ қилиб юборган. Бу жараён гоҳ қирғинбарот урушлар воситасида амалга оширилган бўлса, гоҳ миллат тилини, тарихини, урф-одатларини йўқотиш шаклларида кечган. Инглизларнинг англо-сакларга нисбатан олиб борган сиёсатини ёхуд Американинг туб аҳолиси ҳисобланган хиндуларга нисбатан европаликларнинг амалга оширган сиёсатини рус мустамлакачилари туркий халқларга қўллашди¹. Албатта, охир-оқибатда даҳшатли оқибатларни вужудга келтирувчи бу сиёсат туркий халқларга мансуб зиёлиларга равшан эди. Шунинг учун ҳам улар чоризмнинг маданият олиб келиш ниқобида бошлаган ҳаракатларининг туб мақсадларини очиб ташлашдек ишларга қўл урдилар. Бундай ҳаракатларнинг бошланишида қримтатар халқининг фарзанди Исмоилбек Гаспрали (1854—1914 й.й.)нинг ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Унинг ўз олдига қўйган мақсадларидан бири бир-бирларидан ҳар жиҳатдан узоқлаштирилган туркий халқларни бирлаштириш, бир мақсад манзилига йўналтириш эди. И. Гаспралининг миллат озодлиги йўлидаги фидойилиги туфайли кўплар унга миллатнинг отаси деб таъриф берган эдилар: Гаспрали маърифатпарварлик қарашларининг Туркистондаги давомчиларидан бири Маҳмудхожа Бехбудий устози ҳақида шундай деган эди: у “Русиядаги турк-татар халқларини жуда оз тарихий муддатда хайр-хўшлик йўли билан яхлит бир миллий оилага бирлаштирмоққа нойил ўлди”².

Маҳмудхожа Бехбудийнинг бу фикрларидан ҳам шуни билсак бўладики, қримтатар фарзандлари, жумладан, И. Гаспралининг миллий озодлик йўлидаги ҳаракатларини ижобий баҳолаш билан бирга унинг қайсидир маънода туркий халқлари бирлаштиришга эришган ҳамда миллий озодлик йўлида ўз ғоялари билан издошларини эргаштира олган.

И. Гаспралининг саъй-ҳаракатлари билан чиқарилган “Таржумон” рўзномаси ўз олдига ана шу мақсадни қўйган эди. Уни барча туркий-забон халқлар луғатсиз ўқий олишарди. И. Гаспрали етук сиёсатшунос ва публицист сифатида Россия қўли остидаги мусулмонларнинг эртанги тақдири ҳақида бир қатор чиқишлар қилди. 1881 йилда рус тилида ёзилган “Рус мусулмонлиги” рисоласи ана шу мақсадда қилинган дастлабки жиддий иш эди. Унда муаллиф, асосан, Россияда яшовчи мусулмонларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларни миллий, диний жиҳатдан

¹ Тўлак.И XX аср ўзбек адабиёти .“Андижон”, 1993йил, 7-бет.

² Маҳмдхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. -Т.:“Маънавият” 2009 йил, 8-бет.

ҳимоя этиш масалаларини кўтариб чиқди. Унинг фикрича, динни йўқотиб бўлмайди. Мусулмончилик эътиқод бўлиши билан бирга турмуш ҳамдир. У ўз фикрларини давом эттириб, миллатни маънавий такомиллаштиришнинг бирдан-бир воситаси ўз тили ва ўқув воситаларига суяниб, янгиликка ийтилишдир. Шунинг учун ҳам у рус-тузем, рус-татар мактабларига қарши чиқди. Мусулмонларнинг жамоа мактаблари, жомеъ масжиди, мадрасаларини ривожлантириш, айрим соҳаларда қатор ислохотлар қилиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. У ўз ғояларини нафақат матбуотда, балки турли ўлкалардаги зиёлилар билан бевосита мулоқотларда ҳам тарғиб қилди.

“Рус мусулмонлиги” рисоласида кўтарилган масалаларга рус шовинистлари “ қарши чиқишди. 1882 йилнинг 30 августида Тошкентда чақирилган йиғилишда М. А. Мурапиев И. Гаспрали қарашларига ўз эътирозини очиқ-ойдин ифода этди. “Агар биз таклиф қилинган лойиҳани қабул этсак, шу чокқача мудраб ётган мусулмон мутаассиблигини уйғотиб юборамиз ва бу билан кўксимизда илонни асраган бўлиб чиқамиз”¹, — дея у ўз нутқида Россиянинг Шарққа нисбатан олиб борган сиёсатини дангал ифодалаб берди. Демак, мустамлака ўлкаларга ҳар томонлама етук замонавий билимларни беришга ҳукмрон давлат доим қарши туриб келган ва бу сиёсат советлар замонасида ҳам давом эттирилди.

Бир халқнинг иккинчи бир халққа ҳурмати, энг аввало, унинг маданиятига, тарихига, тилига, урф-одатига ҳурматдан бошланади. Рус зобитларида эса бунинг тамоман акси бўлди.

И. Гаспрали “Таржумон” рўзномасида бир қатор мақолалар билан чиқиб, миллат эркини, ўзлигини тиклаш ғояларини тарғиб қилди. Бу жиҳатдан олганда, “Муаллим”, “Меҳнат ва тараққиёт” мақолалари анча ибратли бўлиб, унда инглиз, француз маорифи, иқтисодиётидаги айрим томонлар талқин этилади ва улардан ибрат олишга чақирилади; Албатта, рўзномадаги ҳур фикрлар чор амалдорлари ғазабини келтирсада, мусулмонларнинг маълум даражада ақл кўзлари-ни очди. Урта Осиёнинг турли шаҳарларида ҳам ана шундай рўзнома ва ойномалар чоп этила бошланди. Журналистика, маориф соҳаларида И. Гаспралининг ҳамсафлари сони кўпая борди. И. Гаспрали 1884 йилда “усули жаид” — янгича усул билан ўқитиш мактабини очди. Дастлаб унда 12 бола таҳсил олди. Қирк кунда уларнинг саводи чиқди. Болаларнинг ота-оналари ва четдан келган одамлар имтиҳон қилдилар. Ўқитишда аъло натижага эришилганлиги эътироф этилди². Бундан илҳом олган муаллиф “усули жаида” мактаблари учун тўрт

¹ Тўлак.И. XX аср ўзбек адабиёти. “Андижон”, 1993йил, 7-бет.

² Тўлак.И. XX аср ўзбек адабиёти. “Андижон”, 1993йил, 8-бет.

қисмдан иборат “Хўжаи сибиён” “Болалар муаллими” номли илк дарсликни яратди. Дарслик бир қатор туркистонлик маърифат-парварларнинг ҳам диққатини тортди. Ундан андоза олиб, янгича усулдаги бир қатор дарсликларни яратдиларки бу, албатта, И. Гаспрали нуфузининг ўзбек маърифатпарварлари орасида бекиёс даражада ошиб бораётганлигидан далолат эди. М. Беҳбудийнинг “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача умумий география”), Саидрасул Ази-зийнинг “Устози аввал” (1901), Мунаввар қорининг “Адиби аввал” (1907), Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим” (1910) каби дарслик-ларининг вужудга келиши “усули жаид” мактабларига эътиборнинг кучайиб бораётганлигидан далолат эди.

XX аср бошларида авж олиб кетган ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, айниқса, 1905, 1907, 1917 йилларда бўлиб ўтган инқилобий ҳаракатлар барча халқларнинг маънавий оламида ички тўлқинларни вужудга келтирди. Жумладан, кўплаб туркистонликлар ҳам эскича яшаб бўлмаслигини англаб етдилар. Зулмнинг барча турларига қарши кураш ҳаракатлари бошланиб кетди. Бунда бир қатор сиёсий партияларнинг фаоллиги сезиларли бўлди. 1905-1907 йилларда бўлиб ўтган сиёсий намоёишларда ўзбек меҳнаткашлари ҳам иштирок этдилар. Чор ҳукуматининг маҳаллий аҳолига ўтказган зулми Биринчи Жаҳон уруши даврида ниҳоят кучайди. Ўзбек меҳнаткашлари, айниқса, мардикор олиш ҳақида чиқарилган фармондан кейин янада кучлироқ кўтарилди. Уруш туфайли оширилган солиқлар халқнинг силласини қуритган, пичоқ бориб суякка етган эди. 1916 йил 25 май фармони қуриган ҳашакка гугурт чакқан билан баробар бўлди. Бу аланга Тур-кистоннинг бир қатор шаҳарларида ўз таъсирини кўрсатди.

Бу ўринда яна бир нарсани эътироф этиш лозим бўлади. Утган асрнинг 80-90-йилларида бошланган ижтимоий-сиёсий ҳаракат тобора тармоқ ота бошлади. Турли табақадаги меҳнаткаш халқ вакиллари бу ҳаракатга келиб қўшилди ва ўз навбатида туркий халқларнинг янги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар тўлқинини авж олиб борди. Ушбу сиёсий ҳаракатлар тўлқини туркий халқлар тарихида янги босқич касб этиб аҳолини барча вакилини қамраб олган янги ижтимоий сиёсий оқимни шакллантирди ҳамда бу жаидчилик ҳаракатини вужудга келтирди.

Рус ҳукумати ўзбек ва бошқа туб аҳолига сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни беришни ҳаёлига ҳам келтирмади. Рус матбуотида ва илмий асарларда Туркистон ўлкаси очикдан-очик “Россия мустамлакаси” номи билан изоҳланди. Иш шу даражага бориб етдики, “Русский Туркистан” (“Рус Туркистони”) атамасини ишлатиш одат тусига айланди. Шунингдек, туб халқ ўзбек ва қозоқ сингари асл номлари билан эмас, балки «инородец» (“бегона зот”), “туземец” (“ерли

аҳоли”) деб юритилди. Қозоқлар эса “киргизи” (“қирғизлар”) номи билан аталди¹. Мустақилликнинг йўқотилиши, сиёсий ҳақсизлик ва адолатсизлик бутун жамият аҳлини рус давлатига қарши кучли муҳолифатга айлантирди. Уларнинг орасида маҳаллий юқори табақаларнинг илғор вакиллари ҳам бўлиб, озодлик ғоялари борган сари куч-қувватга тўлиб борди. Бу ғоялар жадиждлар сиёсий фаолиятининг асосини ташкил этди. Шунинг учун жадиждлар мазлум халқни озодлик курашига даъват этдилар. Зеро, Абдурауф Фитрат шундай ёзган: “Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси. Сенга на бўлди. Дунёни “Урхавалари” билан титратган йўлбарс болаларинг кани. Нечун товушлари чикмайдир?... Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар”².

Россиянинг Ўрта Осиёда ўтказган мустамлака сиёсати, айниқса, иқтисодга ва маънавиятга катта таъсир кўрсатди. Рус давлатининг маориф ва маданий соҳадаги сиёсати ўзбек ва бошқа туб аҳолини саводсизликда ва қолоқликда сақлашга, умумжаҳон тараққиётдан маҳрум этишга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам халқ оммаси маънавий жиҳатдан қашшоқлашди. Мана шундай реакцион сиёсатга қарши ўлароқ жадиждларнинг маърифий ва маънавий чиқишлари юзага келди.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларидага шароит жадиждларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қарашларини белгилаган эди. Бу тарихий аҳамиятга молик ғоялар миллий буржуазия, руҳоний ва умуман маҳаллий юқори табақанинг илғор вакиллари ҳам қамраб олди. Чунки Россия ҳукмронлиги ўлкани хом ашё манбаси ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирди, мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатини авжига миндирди.

Ватанга содиқлик ва унинг мустақиллигини тиклаш ҳис-туйғулари ҳам жадиждлар етакчилигида жамиятдаги барча табақаларни озодлик курашига чорлади. Жадиждлар шароит тақозосига кўра, биринчи навбатда, халқнинг саводини чиқариш, билимини ошириш, миллий ҳис-туйғуларини ва сиёсий онгини ўстириш учун курашдилар. Бошқачароқ айтганда, улар фаолиятининг дастлабки босқичида маърифатпарварлик салмоқли ўринни эгаллади. Аммо, бу уларда сиёсий ғоялар ва мақсадлар йўқ эди дейиш эмас, албатта. Аксинча, олдинги саҳифаларда кўрсатилганидек, сиёсий қарашлар мавжуд эди, лекин уни дарҳол амалга ошириш учун ҳали шароит етилмаган эди. 1917 йилда жадиждлар, миллий буржуазия ва руҳоний вакиллари биргаликда Туркистон мустақиллиги учун сиёсий кураш бошладилар.

¹ Жадиждчилик:ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиё учун кураш-Т.: “Университет”, 1999йил,14-бет.

² “Ўзбекистон адабиёти ва саръти”,1992йил 5июнь.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистоннинг рус мустамлакачилари томонидан босиб олинishi икки томонлама зулми келтириб чиқардики, бу ерлик халқ сабр касасини тўлдирди бошлади. Туркистонликлар рус чоризмини нон-туз билан кутиб олмаганидек, кейинчалик ҳам тақдирга тан бериб, мутелик жандасини киймади. Эрк, озодлик йўлидаги курашлар тўхтамади. Бу курашларнинг катта ижтимоий мақсадлари бўлсада, кучлар бирлаша олмади, сиёсий мақсадлар аниқлаштирилмади, режалаштирилмади. Натижада Ватан ва миллат озодлиги йўлидаги бу ҳаракатлар аёвсиз бостирилди.

Бу эса ўз навбатида курашнинг янги йўлини вужудга келишига олиб келиб халқимизнинг истиклол йўлидаги собит қадами жади́дчилик ҳаракатини вужудга келтирди. “Жади́д” сўзи арабча янги усул деган маънони англатади¹. Зеро, жади́дчилик ҳаракати XIX-аср охирида турк- ислом ҳуқуқий муносабатларини, миллий маърифий, тараққиёт ва миллий истиклол муаммоларини ўз ичига олган янги сиёсий оқим эди. Демак, жади́дчилик XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда ҳукм сурган фавкулудда қолоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислохотлар ўтказиш, пировардида, миллий мустақиллик ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган ҳаракат сифатида, тарихий вазият тақозоси билан вужудга келди. Жаҳон уруши давомида ўлкада иқтисодий аҳвол ёмонлаша борди. Ўлканинг маҳаллий аҳолиси ҳам сиёсий кураш жабаҳасига ортилди. Жади́длар пайдо бўлиб келаётган миллий-демократик кучларнинг етакчиси бўлиб майдонга чиқдилар. Улар демократик инқилобга катта умидлар боғлаб, унинг ғояларини амалга оширишга ҳаракат қилиш билан биргаликда миллий бирликни мустаҳкамлашга киришдилар.

Бу ҳаракат ўзининг шаклланиш йўлини босиб ўтар экан, аср бошларидан 1917 йил февраль инқилобига қадар бўлган биринчи босқичида, миллий озодлик ҳаракати сифатида узил-кесил расмийлашди. Февраль инқилобининг рўй бериши ва чор ҳокимиятининг фалажланиши билан у ўзининг пировард сиёсий мақсади-мустақил давлатни барпо этиш ғоясини амалга оширишга киришди. Лекин бу ҳаракатнинг кучли ва бирлашган партия ё ташкилотга эга бўлмаганлиги ҳамда халқ оммасини ҳали уйғота олмаганлиги сабабли, унинг мустақил ўзбек давлатини барпо этиш режаси рўёбга чиқмади. Ҳали оёққа туриб улгурмаган ёш Туркистон мухторият ҳукуматини шўролар давлати кўп ўтмасданоқ парчалаб ташладилар .

Жади́дчилик ҳаракати ва унинг намоёндаларини ёқтирмаган большевиклар бу ҳаракатни фақат маърифий ҳаракат деб бохолаган ва уларни сиёсий калтабинликда айблаб келган эдилар.

¹ Қосимов Б.Юсупов Ш. Долимов Д. Ризаев Ш. Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти.-Т.: “Маънавият”, 2004 йил, 5-бет.

Жадидчилик ҳаракатининг улкан арбоблари ва ташкилотчиларидан бири Мунавварқори Абдурашидхонов 1927 йилда ёзган мақоласида большевиклар қўйган бу айбга: “Чор ҳукуматини йўқотиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки, биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда ўлтириб насиё ёзадурғон ходимлар етказсак. Бу ишга ақлли одам шу баҳони беришда у ёк, бу ёкни мулоҳаза қилсун”¹ дея жавоб ёзган эди.

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг бу сўзларига таяниб айтиш мумкинки, жадид мактабини тузишдан мақсад, большевиклар айтганидек, савдо ходимларининггина тайёрлаш эмас, балки халқнинг умумий савиясини кўтариш, замонавий фанларни эгаллаган инженер, врач, журналист, юристдан тортиб, давлат арбобиғача бўлган кишиларни тарбиялаш ва улар ёрдамида давлат идораларини ерлилаштириш, шу тарзда мустамлакачиларни Туркистон тасарруфидан сиқиб чиқариш эди. Жадидчилик ҳаракатининг бу жабҳалари орқали Туркистон халқлари ҳаётини тубдан ўзгартириб, мустақил ўзбек давлатини қурмоқчи бўлдилар. Туркистонда сиёсий партиялар фаолиятини яхши ўрганган француз разведкачиси майор Лякоста, 1906 йилда ўз мамлакатига йўллаган хуфёномасида бундай ёзган эди: “Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ сиёсий куч социал демократлар (большевик ва меньшевиклар) ёки социал инқилобчилар (эсерлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ўзбек жадидларидир”². Жадидларнинг халқаро алоқалари жуда кенг қамровли бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги жадидчилик оқимлари дастурларидан хабардор бўлганлар, ўзаро сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмашганлар. 1905-1906 йилги Россиядаги инқилобий ҳаракатлар Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Прогрессив кучлар жипслаша бошладилар ва жадидлар маърифатчилик фаолиятини жадаллаштирдилар. Бу фақатгина мактабларда эмас, балки жонли матбуотчилик фаолияти, жумладан, рўзномаларнинг кўплаб вужудга келишида ҳам кўринди.

Лекин тез орада чор маъмурияти ўзининг эксперти Н.П.Остроумов билдиришномасига асосланиб, бу рўзномаларни ман этди.

Жадидлар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бордилар, вужудга келаётган рус сиёсий партиялари дастурларини ўргандилар. Лекин миллий менталитетнинг ўзига хос хусусияти бўлган ўзбек халқининг тинчликсеварликка, босиқликка мойиллигидан келиб чиқиб, улар тинчлик йўли билан, жамоатчиликнинг муурожаатлари, Давлат Думасидаги оммавий баҳслар ва бошқа легал воситалар билан подшо

¹ Жадидчилик: ислоҳат, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Т.: “Университет”, 1999 йил, 33-бет.

² Жадидчилик: ислоҳат, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Т.: “Университет”, 1999 йил, 34-бет.

ҳокимиятидан ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ён беришга эришишга интилдилар. Аммо чоризм маъмурияти Давлат Думасида туркистонлик вакиллар бўлишини ман этган. Бу, бир томондан, ўлка халқининг ҳуқуқлари ва кадр-қимматини поймол қилиш бўлса, иккинчи томондан, уларнинг сиёсий онгининг ўсиши Россия империяси давлатчилигига хавф туғдирар эди. Ўшандаёқ жадидлар, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1906 йил 11 октябрда “Хуршид” рўзномасида чоп этилган мақоласида ўз аксини топган хулосага, яъни бирлашиб ягона мусулмон партияси тузиш ва Бутунроссия мусулмонлари иттифоқи таркибига кириш зарурлиги ҳақидаги фикрга келдилар¹. Шу билан улар Россиядаги барча туркий халқпарвар орасидаги прогрессив кучларга таянишга интилдилар. Ушбу мақоласида Бехбудий социал-демократлар партиясига нисбатан ўзининг салбий муносабатини билдиради. У бу партиянинг дастурини мусулмонлар ҳаёти нормаларига мувофиқ келмайдиган ҳаёлий (утопия) дир, деб ҳисоблаган. Марказий Осиё жадидчилигига Туркия ва 1905-1911 йиллардаги Эрон инқилоблари сезиларли таъсир кўрсатди. Бу мамлакатлардаги миллий зиёлилар вакиллари монарх ҳокимиятининг конституцион доирада чекланишига, миллий буржуазиянинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни қўлга киритишга эришишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Бироқ у даврнинг тажрибалари Туркистон жадидлари томонидан механик тарзда кўчириб олинмади. Улар Шарқ ва Европа мамлакатларининг мустамлакачиликка қарши кураш ҳамда демократик ҳаракат амалиётидан ўлка шароитларига мувофиқ келувчиларини танлаб олдилар, шароитга тўғри келмайдиганларидан воз кечдилар ёки бир оз ўзгартириб қабул қилдилар. Россия Февраль демократик инқилоби арафасида, Туркистон жадидчилиги етук сиёсий ҳаракатга айланди. Агар Биринчи Жаҳон урушидан кейин жадидлар парламентар монархия учун курашган бўлсалар, Февраль инқилобидан кейин Туркистон жадидларининг “тараққийпарварлар” оқимини ташкил қилган радикал қисми анча кенг қамровли, бир қатор сиёсий талабларни илгари сурди. Улар қаторига маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтириш томон ўлкани бошқариш юзасидан асосий ислохотлар ўтказиш, ўлкага Давлат Думасидан аҳоли сонига қараб ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллий матбуот эркинлигани таъминлаш, чоризмни конституцион тузум билан алмаштириш кабилар кирарди. Россиядаги Февраль демократик инқилоби Россияда янги давлат тузуми ўрнатилгандан сўнг федератив давлат шаклида мухторият олишга умид боғлаган жадидларни руҳлантириб юборди. Айни пайтда, миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар, жумладан, жадидлар томонидан “Шўрои Исломия”, “Иттифок” каби бир қатор ташкилотлар тузилди². Бу пайтга келганда жадидлар туб ерли аҳоли ижтимоий таркибининг турли қатламларини ўз ортларидан эргаштира олдилар, улар онгида мусулмонлар бирлигини

¹ Бехбудий М. Танланган асарлари.-Т.: “Маънавият”, 2009 йил, 147-бет.

² Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Т.: “Университет”, 1999 йил, 41-бет.

мустаҳкамлаш, жипслаштириш ҳиссини уйғотдилар. Аммо улар тез кунларда тушундиларки, Россиядаги Муваққат ҳукумат ҳам, унинг Туркистондаги Муваққат Қўмитаси ҳам ўлкада аввалгидек мустамлакачилик сиёсатни давом эттириш йўлини тутмоқда.. Чунончи, бу сиёсат Таъсис мажлисини чақиришга тайёргарликда яққол намоён бўлди. Шу вақтдан жадиждлар учун мустақиллик ва мухторият ё ҳаёт, ё мамот муаммосига айланди ва жадал сиёсий жанглар бошланди. Улар ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқид остига олдилар ва Туркистоннинг Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-ҳудудий мухторият олиш учун астойдил ҳаракат қилишга киришдилар. Жадиждларнинг дастурий ҳужжатларида диққат-эътибор миллий-ҳудудий мухториятнинг асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари Туркистон Федератив Республикаси имкониятларига таалукли бўлган масалалар бўйича, қонунлар чиқаришни амалга ошириш учун чақирилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқаруви ва суди механизмларини ишлаб чиқиш, ўз давлат тузилишини барпо этишга қаратилди. Бошқарувнинг пойдевори сифатида республика шакли танлаб олинди. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган ва конституцион жиҳатдан қафолатланиши лозим бўлган демократик жамиятни шакллантириш - устувор мақсад қилиб белгиланди. Туркистон жадиждлари давлат мустақиллиги ҳақидаги ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этишни мамлакатдаги турли ижтимоий кучлар ўртасида тинчлик ва келишувчилик, демократик асосда шакллантирилган Россия Таъсис мажлисини чақириш билан боғлаганликлари ҳам диққатга сазовор. Ўша пайтда, жадиждларнинг тараққийпарвар намоёндалари “Шўрои Исломия”, консерватив қисми “Шўрои Уламо” ташкилотларига ажралиб кетган эдилар. Аммо Таъсис мажлисида ўрин олиш масаласининг муҳимлигини англаш, бу икки жадиждчилик оқимининг қўшилишига ва “Турк Одами марказияти” номи билан аталувчи ягона Туркистон Федералистлари партиясининг ташкил этилишига олиб келди. Бироқ, Туркистондаги октябрь воқеалари ва большевикларнинг ҳокимиятни эгаллаши уларга ўз мақсадларини охиригача амалга оширишларига имкон бермади. Шунга қарамай, улар янги большевиклар ҳокимиятининг “Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисида”ги декларациясида кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, маркази Кўконда бўлган, “Туркистон мухторияти” деб аталган мустақил мухтор республика эълон қилдилар¹. Уч ойгина яшаган бу мухтор республика тарихи, унинг оқибатида жадиждларнинг таъкибга учраши ва амалда, 1937-1938 йилларда бутунлай қириб ташланиши, тарихнинг қонли саҳифаларидир. Лекин жадиждлар ғоолиятидаги сиёсий ҳаракатлар халкимиз миллий онгини ва сиёсий дунё қарашини кенгайтишига хизмат қилди. Хусусан, 1917 йил 19 мартда Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигида “Шўрои ислом” ташкилоти тузилди. 14 мартда бўлиб ўтган йиғилишда “Шўрои ислом” нинг 5 кишидан иборат раёсати тузилди.

¹ Шарипав Р. Туркистон жадиждчилик ҳаракати тарихидан. -Т.: “Ўқитувчи”, 2002 йил, 67-бет.

Унинг ҳайъатига Мунавварқоридан ташқари Абдурауф Фитрат, Убайдулла Хўжаев ва бошқар- ди. "Шўрои ислом"нинг асосий мақсади Туркистон мусулмонларини бирлаштиришга доир ишни авж олдириш, Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш, Туркистонга миллий-диний мухторият бердириш, шахсий мулк эгалигини сақлаб қолиш ва х.к.дан иборат эди. Тезда ўлканинг бошқа жойларида ҳам "Шўрои ислом"нинг шўъбалари тузилди. 1917 й. июнь ойида "Шўрои ислом"нинг бир гуруҳи (кўпроқ, рухонийлар) бу ташкилотдан ажраб чиқиб, ўзининг "Шўрои уламо" ташкилотини тузди, 1917 й. Март-апр ойларида Тошкент, Самарканд, Фарғона ва бошқа шаҳарларда мусулмон меҳнаткашлари касаба уюшмалари тузилди. Шу тарзда миллий демократия тобора ўсиб борди. Маҳаллий ташкилотлар прогрессив ғояларни, ўлка мустақиллиги истиқболини ёқлаб чиқдилар. 1917 й, 16 апрелда Тошкентда "Шўрои ислом" ташаббуси билан Бутунтуркистон мусулмонлари I қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой Россияда Федератив демократик республика таъсис этиш, барча халқларга, жумладан Туркистон халқларига ҳам миллий мухторият бериш ғоясини қўллаб-қувватлади. Қурултойда Туркистон ўлкаси мусулмонлари совети (Ўлкамуссовет) тузилди. Шундай қилиб 1917 й. 1 (14) ноябрга қадар ўлкадаги сиёсий вазиятни 3 та асосий куч белгилади¹. Булар: Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси бўлган Ўлкамуссовет Ўлка ишчи ва солдат депутатлари етакчилиги қилган. Ўлкамуссовет Муваққат ҳукуматни Қўллаб - қувватлашни давом этсада Ишчи солдат депутатлари Советидаги большевиклар фаолиятига қарши турдию, лекин Россиядаги 25 октябр (7 ноябр) инқилобий тўнтариш Туркистондаги сиёсий вазиятни большевиклар фойдасига ҳал бўлишига олиб келди. Лекин жаҳидларнинг сиёсий фоолияти биров бўлсада тўхтамадики, балки янада фооллашиб авж олиб борди.

Буни 1917 йилда Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида энг муҳим масалаларидан бири, бу туркистондаги давлатчилиги ташкил этиш жаҳидларнинг энг олий мақсадларидан бири бўлганлигидан бўлиши мумкин. Ўша тарихий шарт-шароитларда миллий давлатчиликка эга бўлиш ғояси турли ташкилот ва партияларининг ўзаро курашида асосий қуролга айланганди. Жаҳидларнинг интилишлари Туркистонда федератсия асосида миллий-демократик давлатчилиги барпо этишга қаратилган эди. Жаҳидларнинг мухтарият (афтаномия), давлатчилик тўғрисидаги ғоялари ўша пайтдаги Россияда мавжуд сиёсий-ижтимоий ва инқилобий аҳвол билан боғлиқ ҳолда шаклланиб келди. Улар мустамлака халқларнинг Россиядан бутунлай мустақил бўлиб чиқиб кетишларини ҳали кун тартибига қўёлмаган эдилар. Чунки Россиядек қудратли империя чангалидан аста-секинлик билан, оқилона нозик сиёсат юргизиш орқали

¹ Аъзамхўжаев С.С. Туркистон мухторияти жаҳидчилиги миллий-демократик давлатчилиги ғояларининг амалдаги ифодаси.-Т.: "маънавият", 1999йил, 152 –бет.

бутунлай мустақилликка эришиш мумкинлигини жаидлар яхши англаганлар. 26 ноябрдан Кўкон шахрида Ўлка мусулмонларининг IV Ҳақулодда сьезди иш бошлади. Унда ўлканинг барча минтақалари ва кўпгина жамоат ташкилотларидан 200 нафардан ортиқ вакил ҳозир бўлди¹.

Кун тартибига ўлкани бошқариш шакли, Туркистон Марказий мусулмонлар шўросини қайта сайлаш, Туркистон Таъсис мажлиси, милиция, молия ва бошқа масалалар қўйилди.

Мандат комиссиясининг аъзоси Т.Норбўтабеков қатнашчиларни вакиллар таркиби билан таништирди. Бу пайтда сьездда Фарғонадан - 100, Сирдарёдан - 22, Самарқанддан - 21, Бухородан - 4 ва Каспий ортидан - 1 вакил қатнашаётган эди. Вилоят вакилларида ташқари сьездда, шунингдек, “Шўрои Исломия”, “Шўрои Уламо”, мусулмон ҳарбийлари шўроси, Ўлка яҳудийлари жамияти (Пао-лей Сион), шунингдек, маҳаллий яҳудийлар вакиллари қатнашди! Маҳмудхўжа Бехбудий ўз чиқишида сьезднинг ҳуқукий жиҳатдан қонунийлиги ҳақида шундай деганди: “Сьезд қарорлари шунинг учун ҳам катта мавқега сазоворки, унда Туркистоннинг оврупалик аҳолиси вакиллари ҳам қатнашмоқда”².

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг таъкидлашича, ҳайъатни ҳам шундай тузиш керакки, унга турли мусулмон гуруҳлари билан бирга рус, яҳудий ва бошқа халқларнинг вакиллари киритилсин. Вакиллар уни қўллаб-қувватлайди. Андижон вакиллари шу фикрга қўшилади, ундан сўнг сўзга чиққан Кўконлик вакил О. Маҳмудов ҳам “Ҳайъатни сайлашда вилоятлар бўйича эмас, балки алоҳида диний қарашлар ва миллий гуруҳларни ҳисобга олган ҳолда, яъни билимдон, ўқувли ва ғайратли кишиларни танлаб олиш керак”, дейди.

Муҳокамадан кейин 13 кишидан иборат ҳайъат сайлашга келишиб олинди. Очиқ овоз билан қуйидаги тартибда ҳайъат сайланади: М.Чўкаев, У. Хўжаев, Ю.Агаев, С.Акаев, С. Герцфельд, О.Маҳмудов, А.Ўразаев, И.Шоаҳмедов, Кишчинбаев, Камол Қози, Абдул Бадин, Тиллаев, Каримбоев.

Сьезднинг уч кунлик фаолияти мобайнида, вакиллар Туркистоннинг бўлғуси сиёсий тузуми тўғрисида қатъий бир фикрга келишди. Деярли яқдил овоз билан (икки киши қарши) 1917 йил 27 ноябр кун кечаси соат 12 да қабул этилган қарорда, жумладан, шундай дейилади: “Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш ҳусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади, шу билан бирга мухториятнинг қарор топиш шакллари Таъсис Мажлисига ҳавола этади”. Шундан кейин сьезд “Туркистонда яшаб турган миллий озчилик аҳоли ҳуқуқларининг муттасил ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилади”.

¹ Жаидчилик: ислоҳат, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Т.:“Университет”, 1999 й, 153-б.

² “Улуғ Туркистон”, 1917 йил, 8-декабрь.

28 ноябрда ташкил топаётган мазкур давлатнинг номи аниқланиб, “Туркистон Мухторияти” деб аталадиган бўлди¹. Ҳокимият таркиби эса қуйидагича шаклланиши лозим эди: Таъсис съезди чақирилгунга қадар, ҳокимият тўла равишда Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Халқ (миллий) Мажлиси қўлида бўлади.

Жадидчиликнинг феномени шундаки, кейинги уч аср ичида бу оқим биринчи бўлиб миллий давлатчилик қуришга уринди, ягона мустақил Туркистон учун қурашди ва у миллий мустақиллик ғоясига асос солди, уйкудаги Шарқни уйғонишга ва ҳаракатланишга, озодлик, миллий ғурур, ўз буюк аجدодлари, бой маданияти ва, умуман, мустамлака тузумнинг тазйиқи остида унутилган барча қадриятларини хотирлашга ундади. Жадидлар таълимоти ўз замонасининг ҳақиқий таълимоти эди. Чунки у нафақат тараққийпарвар шахслар, балки фикрловчи ёшларни, шунингдек, барча тараққийпарвар зиёлиларни ўз кетидан эргаштира олди. Уларнинг фаолияти ва дастури келажак учун намуна бўлди. Жадидлар томонидан жамиятда пишиб етилган ижтимоий вазифаларни тадрижий-ислохотчилик тамойиллари асосида ҳал этиш ишлаб чиқилганлиги, уларнинг формацион-институционал ўзгартиришларни, мустамлака тузумни тубдан йўқотишнинг максимал даражада самарали йўлларини танлай билган-ликлари, шубҳасиз, уларнинг тарихий хизматларидир. Жадидларнинг концептуал ғоялари ҳозирги ўзгаришлар ама-лиётининг маънавий даракчиси, бугунги кундаги стратегия ва кенг қамровли ислохотлар курсининг генетик асоси бўлиб хизмат қилди. Тарихдан яхши маълумки, деб ёзади Бехбудий, “Ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳукуки, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади... Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ”²!

Жадидчилик ўзидаги қайси белгилари билан ғавқулдда ҳодиса эди? Уларнинг жамиятдаги инқироз ва мутаассибликни шу даражада аниқ қўришларига, диний, ҳукукий ва ахлоқий нормаларга амалий ёндашишига нима ёрдам берди? Биринчидан, унинг ноёблигига (феномени), аввало, унда ғоятда юқори даражадаги ақл-идрокли, ҳам Шарқ, ҳам Европа маданиятига хос билимларга эга бўлган зиёлилар жамланганлиги билан белгиланади. Ўтмишга назар солиб, уни ўрганиб, ўз даврини ташкил қилган жадидлар ўз Ватанининг келажаги лойиҳасини туза билдилар, унинг ривожланиш йўлларини режалаштирдилар. Уларнинг деярли барчаси олий диний таълим олганлари, Жомий, Навоий, Фузулий шеърляти, қадимги Шарқ мутафаккирларининг фалсафий асарлари руҳида тарбияланганлари ҳолда, ўз билимларини чет эл маданияти, жумладан, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ютуқлари билан бойитдилар, албатта, бу нарса уларнинг бошқа давлатларнинг турмуш тарзи қонуниятларини ўрганишга

¹“Улуғ Туркистон”, 1917 йил, 8-декабрь, “туркестский вестник”, 1917йил, 1-декабрь.

² Бехбудий М. Танланган асарлари. -Т.: “Маънавият”, 2009 йил, 13-бет.

итилишлари, уларнинг энг яхши зиё уруғларини ўзларининг сермахсул ва қадимий маданият тупроғида қўллаш учун ўрганиш ва тушунишга уринишлари эди. Жадидлар онгида маданиятнинг юқори даражадаги ютуқлари сараланди ва уйғунлашуви юз бердики, унинг асосида Туркистондаги тараққиётнинг махсус шакллари мулоҳаза этилиши ва ишлаб чиқилиши рўй берди.

Жадидларнинг сиёсий қарашларини тасавур этишда 1913 йилда “Туркустон овози” ва “Ғолис Туркистана” газеталарида кутарилган қуйидаги уч масала ҳам диққатни жалб этади:

1. Сибирь темир йўлидан то Афғонистон ва Эронгача бўлган жойда яшаётган бутун ерли халқлар билан руслар орасида ҳуқуқ ва солиқлар соҳасида тенгликни вужудга келтириш;

2. Кўчманчи ҳаёт кечирувчи мусулмонларга кишлоқ ва шаҳарлардан жойлар бўлиб берилганига қадар кўчиб келаётган русларга ер бермаслик;

3. Замонавий маърифатни тарқатиш.

Ушбу масалаларнинг йўналиши рус давлатининг улуғ миллатчилиқ сиёсатиға қарши қаратилганлиги жадидларнинг миллий озодлик ҳаракатидаги энг аҳамиятли қарашларидир. Рус давлатининг маориф ва маданий соҳадаги сиёсати ўзбек ва бошқа туб аҳолини саводсизликда ва қолоқликда сақлашға, умумжаҳон тараққиётидан маҳрум этишға қаратилган эди. Шунинг учун ҳам халқ оммаси маънавий жиҳатдан қашшоқлашди. Мана шундай реакцион сиёсатға қарши ўлароқ жадидларнинг маърифий ва маънавий чиқишлари юзага келди.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларидаги шароит жадидларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қарашларини белгилаган эди. Бу тарихий аҳамиятға молик ғоялар миллий буржуазия, руҳоний ва умуман маҳаллий юқори табақанинг илғор вакиллари ҳам қамраб олди. Чунки Россия ҳукмронлиги ўлкани ҳам ашё манбаси ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирди, мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатини авжига миндирди. Ватанға содиқлик ва унинг мустақиллигини тиклаш ҳис-туйғулари ҳам жадидлар етакчилигида жамиятдаги барча табақаларни озодлик курашиға чорлади. Жадидлар шароит тақозосига кўра, биринчи навбатда, халқнинг саводини чиқариш, билимини ошириш, миллий ҳис-туйғуларини ва сиёсий онгини ўстириш учун курашдилар. Ватанпарвар жадидларнинг асосий мақсадларидан биринчиси миллий истиклол булса, иккинчиси, миллий тараққиёт булган. Зеро, Мунаввар қори, Фитрат, Чулпон сингари эрксевар жадидларнинг айтганидек, "оёғида ҳатто олтин кишан билан яшовчи халқ ҳам муте

халқидир". Шунинг учун, жадинлар авваламбор уз олдиларига мудрок халқни уйғотиш, улар қалбига истиқлол орзусини пайвандлаш вазифасини қўйдилар.

Бошқачароқ айтганда, улар фаолиятининг дастлабки боскичида маърифатпарварлик салмоқли ўринни эгаллади. Аммо, бу уларда сиёсий ғоялар ва мақсадлар йўқ эди дейиш эмас, албатта. Аксинча, юқоридаги фикрлармиз, сиёсий қарашлар мавжуд эканлигини тасдиқлайди, лекин уни дарҳол амалга ошириш учун ҳали шароит етилмаган эди.

Шундай қилиб Туркистон Мухторияти миллатларини ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласини демократик йўл билан ҳал этишга бел боғлаган халқ иродаси ва илғор зиёлиларнинг кўтаринки хатти-ҳаракатлари заминида вужудга келди.

Демак, жадинчилик онгли ҳаракат кучлар нисбатини тўғри ҳисобга олган ҳолда ўзининг бош стратегик мақсади, Ватанни озод қилиш, миллатни ижтимоий ғафлат уйқусидан уйғотиш ва жамиятни тараққий эттириш учун мактаб, маърифат, матбуот, адабиёт, маориф ва маданиятдан тактик йўл сифатида кенг фойдаланди.

Жадинчилик ҳаракатининг мақсад ва моҳияти унинг шиоридан ҳам маълум. Ўз даврида миллатга маънавий-мафкуравий ота бўлган Мунавварқорининг кўрсатишича, жадинларнинг энг яхши кўрган шиори “Озодлик, Тенглик ва Адолат” бўлган.

Шунга қарамай жадинлар, жадинчилик онгли маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, мустамлакачиликка қарши антифеодал ва демократик ҳаракат бўлган эди.

У ижтимоий адолат, тенглик ва озодлик учун истиқлол байроғини баланд кўтариб курашди. Ватан ва миллатнинг озодлиги учун курашда енгилди, бироқ тарихда ибратли тажриба қолдирди.

2 боб. Жадидларни миллий истиқлол ғоялари тарғиботида санъат ва янги усул мактабларининг аҳамияти.

2.1 Жадидларнинг адабиёт, театр ва мусиқа соҳасидаги қарашлари.

XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида Туркистон заминидаги энг илғор фикрли зиёлилар онгида пайдо бўлган миллий уйғониш маърифатчи-ликда яққол намоён бўлди. Янгича маърифатчиликнинг илк жарчилари бўлган жадидлар кенг миқёсли амалий фаолиятлари билан ўз ғояларининг жамият ҳаётида мустаҳкамланиб барқарор бўлиши, охир пировардида миллий озодлик, сиёсий мустақиллик курашларига ўсиб ўтиши учун замин ярата бошладилар. Бу давр Туркистонда ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожига янги босқич эди. Ана шу босқичда ерли халқнинг маданий-маърифий ҳаётида шу қадар кўп ўзгаришлар юз бердики, уни ҳеч муболағасиз Ренесанс, яъни Уйғониш ҳодисасигагина қийслаш мумкин.

Мактаб-маориф ишлари билан бир қаторда, жадид маърифатчилигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлиб, илк ўзбек миллий матбуоти, бироз ўтиб турли маъри-фий жамиятлар пайдо бўла бошладилар. Жамиятлар бевосита маърифатчиликнинг ҳам маънавий, ҳам моддий давомийлигини таъминлашни вазифа этиб белгиланган эди. Тижорат ва бошқа маблағ манбаларини яратиб, жадид мактаблари тўхтаб қолмаслиги, газеталарнинг мунтазам чиқиш туриши, алоҳида истеъдод кўрсатган маҳаллий болаларни хорижга таҳсил олиш учун юбориш каби эзгу ишлар жамиятларнинг асосий мақсадлари эди.

Туркистон ўлкасига Русиядан миллионлаб мужикларни кўчириб келтириш натижасида, Туркистон халқининг серҳосил ерларга жойлаштириш ва маҳаллий халқни эса қувиб чиқариш авж олди. Ўлкани мустамлакачилик тартиблари билан идора эта бошладилар¹. Маориф ва ижтимоий соҳаларда эса исломни бузиш, ерли халқни руслаштириш чор ҳукуматининг бош йўли қилиб бел-гиланди. Ушбу мақсадни кўзда тутувчи давлат қармоғидаги рус-тузем мак-таблари кўпайиб борди. Бу мактаблар туб жой болаларга дастлабки таълимни беришни, гўдаклигаданок ақлу фикрини, қалбини ҳам эгаллаб олишни кўзда тутарди. Ўрта мактабларга улар ўқишга қўйилмас эдилар. Рус-тузем мактабларига муносабат ерли зиёлиларда икки хил эди:

1 Ҳамкорлик қилувчилар (Саидғани Саидазимбой ўғли, Сатторхон Абдуғаффоров, Саидрасул Саидазизов).

2. Рад этувчилар (И.Гаспринский, З.Валидий, М. Чўкаев).

Маҳаллий мактаблар эса, хусусий бўлиб, уларга кўплаб тўсиклар қўйиларди. Айниқса, Исмоилбек Гаспринский бошлаб берган замонавий усули жадид мактабларига мустамлака ҳукумати қаттиқ турди. Шуларга қарамай, маҳаллий зиёлиларнинг жасоратлари туфайли янги мактаблар очилаверди. Маълумотларга қараганда, 1903 йилда Туркистонда 102 та

¹ Қосимов Б. XX аср бошида жадид адабиёти ва тарихий ҳодисалар.-Т.: “Маънавият”, 2004 йил, 250 бет.

бошлангич, иккита ўрта “Усули жаид” мактаби бўлган¹.

Чор ҳукумати тил сиёсати, Рус тили ва маданиятининг нуфузи тобора ортиб, мустаҳкамланиб боришига маҳаллий халқнинг тилдан фойдаланиш доираси узлуксиз ва режали қискартирилиб боришига алоҳида эътибор берди. Руслар Туркистоннинг бойликларини ўзлаштириш, халқини қул қилиш билан чекланмадилар. Тарихчи Заки Валидий қайд этганидек, унинг кундалик турмушига, маданий-маиший ҳаётига ҳам аралашдилар. Бир сўз билан айтганда, уни ҳар жиҳатдан бузиш, эзиш, сўнг эса ўз таркибига сингдириб юборишдек мудҳишона бир мақсад билан ишга киришдилар.

1908 йилда подшо фармойиши билан сенатор граф. К.К. Полен бошчилигидаги ҳайъат Туркистон генерал губернаторлигини ўлкада мустамлакачилик сиёсатини янада кучайтириш, моддий бойликларни жадалроқ ўзлаштириш нуқтаи назаридан тафтиш қилади. “Руслар эгалик қилувчи ер” майдонини “тинч иқтисодий кураш йўли билан” кенгайтиришнинг пухта режаси тузилади. Айти пайтда, 1910 йилдан бир катор районларда деҳқончиликдан беҳабар “кўчманчи” ниқоби остида маҳаллий тубжой халқнинг серҳосил ерларини кўчириб келтирила-ётган русларга тортиб олиб бериш қонунлаштирилди ва бу билан “Туркистонда рус халқининг сиёсий устунлиги унинг хўжалик соҳасидаги қуввати билан ҳам мустаҳкамланади”²ган бўлди.

Янги қарашдаги маҳаллий зиёлилар - жаидлар мана шундай шароитда иш кўрдилар. Ва сиёсий мустақилликни қўлга олишни ўзлари учун бош мақсад билдилар. 1913 йилдаги “Турон”, 1917 йилда тузилган “Шўрои-Исломия”, “Шўрои-Уламо” жамиятлари партия даражасига ўсиб чиқмаган бўлсада, сиёсий фаол эди.

Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизмати архивининг 554335 (Мунавварқо-ри) ва 4269 (Фитрат) рақамлик «иш»ларидаги тергов материалларида 10 йил-лардан Тошкент ва Бухорода “Ёш турклар инқилоби” таъсирида пайдо бўлган “Иттиҳод ва тараққий”, инқилобдан кейин эса “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиклол” каби яширин ташкилотлар ҳақида маълумотлар келтирилади. 1917 йил ноябрда Туркистон мухториятининг ташкил топиши, 1920 йилдаги Бухоро ва Хоразм халқ жумҳуриятлари жаидларнинг фаолияти самараси сифатида майдонга келган эди.

Улар, биринчи навбатда, очиқ фикрли янги авлодни тарбиялашга диққатни қаратдилар. Бунинг учун “усули жаид” мактабларига зўр бердилар. Иккинчи-дан, маҳаллий миллий матбуотни адабиётни майдонга келтирдилар. Тошкентда 1970 йилдан чиқа бошлаган “Туркистон вилоятининг газетаси”, Туркистонда маҳаллий тилда чиққан биринчи матбуот

¹ Жаидчилик:ислохот,янгилаиш,мустақиллик ва тараққий учун кураш-Т.: “Университет”, 1999 йил, 105-бет.

² Жаидчилик:ислохот,янгилаиш,мустақиллик ва тараққий учун кураш-Т.: “Университет”, 1999 йил, 106-бет.

намунаси эди. Газетада Ш. Иброҳи-мов (1872), Ҳ.Чанишев (1881) каби ерли татарлар, И. Худоёрхонов (1885) синга-ри ўзбеклар маълум муддат муҳаррирлик қилган бўлсаларда, унинг асл эгаси, йўриғчиси Н. Остроумов эди. Шунга кўра, унинг миллий газета бўлиши имкони-ндан ташқарида эди.

Чор ҳукумати 1905 йил 17 октябрда Русияда юз берган инқилобий воқеалар муносабати билан Манифест эълон қилиб, халққа маълум конституцион-демократик эркинликлар беришга мажбур бўлган эди. Шу жумладан, матбуот эркинлиги, сиёсий ташкилотлар тузишга ҳам рухсат этилди. Туркистон жадиidlари бу имкондан фойдаландилар. Бир қатор маданий уюшмалар туздилар. Газета-журналлар чиқардилар. Шулардан бири, 1906 йилнинг 27 июнида дунё кўрган “Тараққий” газетаси эди.

“Бу газета тез фурсатда шундай шухрат қозондиким, - деб ёзади Абдулла Авлоний. - Ҳатто газета муҳаррири бўлган Исмоил Обидийга “Тараққий” исми берилди. Ҳозиргача халқ Исмоил Обидийнинг исмини “Тараққий” деб юри-тадур”¹.

Газета маҳаллий ёшларга ўз саҳифасидан кенг ўрин берди. Унинг яқин ҳамкорларидан бири Мунавварқори эди. 1906 йилнинг сентябрида Мунавварқори муҳаррирлигида Тошкент жадиidlарининг иккинчи муҳим газетаси “Хуршид” пайдо бўлди. 1907 йилнинг биринчи декабридан Абдулла Авлоний ўз уйида “Хуршид” газетасини чиқара бошлади. Бу уч газета, шу давр Туркистонининг энг эътиборли нашрлари бўлиб, уларда машҳур Беҳ-будийдан ҳаваскор шоир Мулла Кўшок Мискингача бўлган кенг зиёлилар қатлами фаол иштирок этдилар.

Шунингдек, Тошкентда “Тужжор” (1907 йил, муҳаррири Саидкарим Саидазимбой ўғли), “Осиё” (1908 йил, муҳаррири Аҳмаджон Бектемиров) каби газеталар ҳам чиқа бошлади. Бу газеталарнинг ҳеч бири узоқ фаолият олиб бораолмади, айримлари иктисодий, баъзилари эса, сиёсий сабаблар билан беркитилди.

1901-йилнинг бошида Туркистонда янги адабиёт шакллана бошлади. Бу борада, 1901 йилдан чоп этила бошлаган Мунавварқорининг “Адиби аввал”, “Адиби соний”, Саидрасул Азизий (1866-1933) ни “Устози аввал” (1902), Алиаскар Калининнинг “Муаллим соний” (1903), сўнграқ Абдулла Авло-нийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, Рустамбек Юсуфбеков (1880-1950) нинг “Таълими аввал”, “Таълими соний” каби дарслик ва дарслик-мажмуалари, хусусан, улардаги ихчам дидактик шеър ва ҳикоялар янги адабиётнинг шаклланишида илк тажрибалар вазифасини ўтади.

Абдулла Авлонийнинг “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” (1909), Саидахмад Васлийнинг “Миллий шеърлар” (1912), Сидқий Хондайлиқийнинг “Тухфаи Шавкат” (1913), “Савғоти

¹ Миллий ўғониш ва ўзбек филологияси.-Т.: “Университети”, 1993 йил, 116-бет.

Шавкат” (1914) “Базми ишрат” (1914), Ҳожи Муиннинг “Гулдастай адабиёт” (1914) китоблари янги ўзбек шеърляти-нинг дастлабки намуналари эди.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1911 йилда ёзилиб, 1913 йилда чоп этилган “Падаркуш” драмасы ўзбек драмачилигини бошлаб берди. “Фалокатзада” (1911 й, муаллифи Абдулрауф Шаҳидий), “Бефарзанд Очилдибой” (1914 й, муаллифи Мирмуҳсин Шермуҳаммедов) каби илк реалистик проза намуналари майдонга келди.

Матбуотнинг майдонга келиши публицистика тараққиётига йўл очди. Бу борада Бехбудий, Фитрат, Мунавварқориларнинг хизмати катта бўлди.

1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон уруши ва Русиянинг унга қўшилиши Туркистоннинг ўз мустақиллигини қўлга олишига маълум умид ва имкон туғдирди. Бироқ чор ҳукумати қаттиқ турди. Ўлкада “тартиб сақла-ниши”га алоҳида аҳамият берди. 1914 йил 24 июлда подшонинг шахсий фармони билан, Туркистон ўлкасида “фавқулодда қўриқланадиган” ҳолат эълон қилинди¹. Губернатор ва уезд бошлиқларига аҳолининг ўйфикрини кузатиб бориш, “озгина бўлса ҳам душманлик ниятида бош кўтарилгудек бўлса”, “ғоят шафқатсизлик билан дарҳол бостириш” ҳақида кўрсатма берилди. 1916 йилнинг июлида бутун Туркистонни “Мардикорлик воқеалари” номи билан тарихга кирган миллий-озодлик ҳаракатлари чулғаб олади. “Мардикорлик ари уясига чўп суққандек бўлди. Туркистонда бамисоли ер ларзага келди”,² деб ёза-ди, 1916 йилнинг 9 августида Тошкентга келган “Вақт” муҳбири Шаҳид Муҳаммаддёров. Лекин бу кўзғолонлар шафқатсиз бостирилди. Масалан, эски Жиззах аҳолиси қатлиом қилиниб, шаҳарга ўт кўйилди. Ўнлаб қишлоқлар хонавайрон қилиниб, халқи июль-август жазирамасида Қийли чўлига қувиб чиқарилди.

Кўзғолонлар сентябрнинг бошларида бироз пайсал топди. 18 сентябрдан эса мардикорларни жўнатиш бошланди.

1917 йил февраль инқилоби чор ҳукуматининг қулаши билан якун топди. Мардикорлар юртларига қайтдилар. Маҳаллий зиёлилар мустақил Туркистон ҳукуматини тузиш учун курашни кучайтирдилар.

1920 йилда Бухоро ва Хива ҳам большевиклар назоратига ўтди. Бир муддат ҳар икки хонлик ўрнида “халқ жумҳурияти” номи билан қўғирчоқ ҳукуматлар тузилиб иш олиб бордилар. 1924 йилда буларнинг ҳаммаси барҳам топиб, Рус Туркистони совет империясининг узоқни кўзлаган сиёсатини кўзда тутган ҳолда, беш бўлакка бўлиб ташланди. Сўнг эса уни большевик дидига мослаб “ўзлашти-риш” бошланди. Асрий тартиб ва удумларни йўққа чиқарувчи “Ер-сув ислоҳо-ти”, “Хотин-қизлар озодлиги” никоби остида миллатнинг мукаддас тарбия ўчоғини бузиб ташлаш, ниҳоят “коллективлаштириш” каби “социалистик” тажрибалар ўлка ҳаётини батамом

¹ Ўзбекистон ССР тарихи, 2-том, “Фан”, -Т.: 1971 йил, 534-бет.

издан чикарди. Булар етмагандай, социализм ривожланг-ани сари синфий кураш кучайиб боради, деган сохта сталинча назария тўкиб чиқарилиб, душман излаш авж олди. Шу бахонада маҳаллий зиёлиларни таъкиб қилиш кучайди. Хусусан, жаидчиликни миллатчилик сифатида қоралаш йўлга қўйилди. 1925 йилда ер-сув ислохотиға озгина эътироз билдирган киши-лар –“18лар гуруҳи” номи билан “фош” этилди. 1926 йилда Ўзбекистон маориф вазири Р. Иноғомов ва унинг бир катор маслақдошлари эски зиёлилардан фойдала-ниш масаласини кўтарганларида кўлга олиниб, “Иноғомовчилик” деб аталган компания ўтказилди. 1927 йил октябрда шоир Чўлпон бадном этилиб, Ўзбекистон зиёлиларнинг Самарқанддаги қурултойидан хайдаб чиқарилди.

Шу тариқа, 1929 йил совет тарих фани қайд этганидек, советлар учун “буюк бурилиш” йили бўлди. Ҳар қандай эркин фикр тугатилиб, коммунистик диктатура мустаҳкам қарор топди.

Туркистоннинг илғор зиёлилари оқ империяни ҳам, қизил империяни ҳам қабул қилган эмас. Шу сабабли, Октябрнинг дастлабки кунлариданоқ миллатнинг ватанпарвар фарзандлари истиқлол йўлларини қидирдилар. Архив материаллари ва тарихий шахсларнинг гувоҳликлари, 1917 йилдан ўлкада шу мақсадни кўзда тутувчи “Иттиҳод ва тараққий”, “Турк адам марказияти”, “Итти-ҳоди миллий”, “Бирлик” (1919), “Эрк” (1919), “Темур”, “Ботир гапчилар” каби яширин ташкилотлар тузилганлигини, 1921 йилда “Туркистон миллий бирлиги” ташкил топганлигини кўрсатади. “Туркистон миллий бирлиги” 20-йилларда тарихга “босмачилик” номи билан кирган миллий озодлик ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштириб боришда муҳим роль ўйнади.

Биринчи жаҳон уруши йилларида, сўнг инқилобий ҳаракатлар даврида матбуот ва адабиёт фаоллашди. Тошкентда “Нажот” (муҳаррири Мунавварқори), “Шўрои ислом” (А.Баттол), “Турон” (Авлоний), “Кенгаш” (Заки Валидий), “Улуғ Туркистон” “(Кабир Бакир), “Турк сўзи” (Т. Худоёрхонов), “Халқ дорилфунуни” (Мухтор Бакир); Самарқандда “Ҳуррият” (Мардонкул Шохмуҳаммадзода, Акобир Шохмансур, Абдурауф Фитрат), Кўконда “Эл байроғи” (Пўлат Солиев), Наманганда “Фаргона нидоси” (Хусайн Мақоев) каби қўллаб газеталар, “Кенгаш” (Кўкон: Ҳамза, Раҳимжон ҳожи Турсунмуҳаммад ўғли), “Юрт” (Кўкон: Ашурали Зоҳирий), “Ҳуррият” (Кўкон: Маҳмудхўжа Ризоий), “Чаён” (Тошкент: Ҳ.Тўлаков, И.Тоҳирий), “Ишчилар дунёси” (Тошкент), “Изҳорил ҳақ” (Тошкент:Садриддинх-ўжа муфти ибн Шарифхўжа Эшон) каби ўнлаб номдаги бир кўриниб, ёпилган журналлар кўп бўлди. 1918 йилдан социалистик матбуот изга туша бошлади. Унинг дастлабки намунаси шу йилнинг 20 июнидан чиқа бошлаган “Иштирокион” газетаси (масъул муҳаррирлари: О.Клеблеев, А.Авлоний, Н. Тўракулов, А.Донской, Ҳ.Бурнашев, Мирмуҳсин) бўлди. Газета 1920 йилнинг 19 декабри-дан “Қизил байроқ”, 1922 йилнинг 13 сентябридан “Туркистон” номларида давом этади. “Маориф” (1918, Тошкент), “Болалар йўлдоши” (Самарқанд, 1919), “Таёқ” (Самарқанд, 1920), “Тонг” (Бухоро, 1920),

“Қизил тикон” (Наманган, 1920), “Қизил йўл” (Тошкент 1920), “Қасабачилик ҳаракати” (Тошкент, 1920) каби умри қисқа журналлар дунё юзини кўрди.

1918 йилда Тошкентда Фитрат ташаббуси билан “Чигатой гурунги” адабий-маданий уюшмаси майдонга келди ва Чўлпон, Боту, Элбек, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, Маннон Уйғур, Каюм Рамазон каби фан ва маданиятимизнинг ёрқин истеъдодларини ўз атрофига тўплади. Бор йўғи бир ярим йилча фаолият кўрсатган ушбу уюшма-жамият таълим қоидаларини ишлаб чиқишда, адабиёт тари-ҳини ўрганиш, системалаштиришда, театрчиликни юксалтиришда катта ишлар қилди. Бироқ, бундай миллий-маданий тикланиш йўллари тобора ёпила борди. Ва маданий-адабий ҳаёт ҳам секин-аста сиёсат измига тушиб қолди.

XX аср 10- йилнинг икинчи ярми – “Ўзбек жаҳид адабиёти” номи билан тарихга кирган янги адабиётнинг шаклланиб, дастлабки дадил қадамларини ташлаган йиллар бўлди. Миллий матбуотнинг майдонга келиши билан янги адабиётнинг мазмун ва йўналиши, тил ва услуби, жанр ва мавзулари, бадиияти билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилина борди.

Даврнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, социал-иҷтимоий мавзуларга, замонавий масалаларга, маърифат ва озод-ликка катта эътибор берилди. Абдулла Авлоний “Ойнайи ҳар миллат эрур тил-адабиёт” деб ёзади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов театрни “ибратхона” деб атадилар.

Бироқ, XX аср 10- йиллар шеърияти маърифатни мақсад эмас, восита деб билди. “Кучли” миллатлар – “жаҳон жайхунлари” ҳақида ёзди. “Кучсиз”ларнинг уларга лўқма (“туъмай тайёр”) бўлаётганларига (Авлоний) диққатни қаратди. Шоир Баҳриддин Азизий очикдан-очик сиёсий ташкилот (“жамият”)лар тузиш, ўзаро итифок бўлиш ва “жумҳурият” учун “бир тил” бўлиб курашиш лозим деб ҳисоблайди. Сиддиқий-Ажзий эса бу борада ўзига хос иқтисодий назарияларни илгари суради.

Бугина эмас, шеърият янги қурилажак давлат ва жамиятнинг сиёсий тузуми-дан ахлоқий турмушигача, иқтисодидан маданиятигача қизиқди. Хуллас, XX аср 10- йиллардаги янги ўзбек шеърияти, бу биринчи навбатда, ижтимоий-сиёсий шеъриятдир.

Айни пайтда, унда қатор поэтик-стилистик ўзгаришлар юз берди. Авлоний ва Ҳамза кўпгина шеърларини қадим шеърий бармоқ вазнида ёздилар. Ҳамза сарбастда ўз имкониятларини синаб кўрди (“Шеъри мансур”). Сиддиқий-Ажзий ва Тавалло социал сатиранинг анъанавий аруздаги энг сара намуналарини яратдилар.

Шеърият Биринчи жаҳон уруши йилларида, хусусан, мардикорлик воқеалари даврида ғоят жонланди. Чунончи, мардикорлик воқеаларига бағишланган ўнга яқин шеърий тўплам чоп этилгани маълум. Булар орасида Муҳиддин Иброҳи-мов тузган “Лошмон” (Наманган, 1916й), Ҳамзанинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси”нинг 7- бўлими – “Сафсар гул” (Қўқон, 1917й), Акбарий Тошкандийнинг “Ватанга хизмат” (Т., 1917й), Сиддиқийнинг

“Работчи-лар намоиши” (Т., 1917й), “Работчилар келиши” (Т., 1917й), шунингдек, Баҳридин Азизийнинг “Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт” (Т.1917й), Сидкий Хондайликийнинг “Русия инкилоби” (Т.,1917) каби асарларида ҳам мардикор-лик воқеалари тасвири учрайди. Бу асарлар, бир қараганда, маҳаллий халқни мардикорликка бориб, оқ подшо хизматини қилиб келишга тарғиб-ташвиқ этаётгандек бўлсада, аслида уларнинг мақсадларида халқнинг осойишта ҳаё-тини алғов-далғов қилиб юбориш, уруш баҳонасида миллатнинг шаъни шу-куҳини оёқости этган ҳукмрон миллатга истехзо, ўз она халқини ғафлатдан уйғонишга, қуллиқдан қутулишга даъват балқиб турар эди.

Туркистондан ишчилар олиш 1917 йилнинг февралига қадар давом этди ва 123 мингдан кўпроқ киши сафарбар қилинди. Улар Қора денгиздан Болтиқ бўйига қадар чўзилган фронт орқасидаги оғир ишларда, Петроград, Москва, Нижний Новгород, Қозон, Киев, Харьков каби шаҳарлардаги саноат корхона-ларида, Шимолий Кавказдаги мис заводларида ишладилар.

Мардикорларнинг у ерлардаги оғир ва машаққатли ҳаёти Сидкийнинг “Работчилар келиши” (1917) китобида ва Ҳамзанинг “Сафсаргул” (1917)идаги “Ватан ишчиларининг забун ҳолиндан” деб номланган туркум шеърларидан “Соғиниб”, “Салом айтинг”, “Ҳой, паҳлавон!”ларда акс этди. Шоирларимиз мар-дикорларнинг қайтиб келишларига бағишлаб ҳам шеърлар ёздилар (Сидкий, “Ситамдийда работчилар келиши”, “Сизларга мужда”).

1917 йил февраль воқеаларини Туркистон халқи зўр хурсандчилик билан кутиб олди.... Шоирларимиз унга юзлаб шеърлар бағишладилар. Шукурий (Хуршид) ва Сидкий қисқа муддат ичида “Хуррият меваси” (1917) ва “Русия инкилоби” (1917) номли дostonлар ёзиб чоп эттирдилар.

Ўзбек адабиётида, ўша кезларда Октябрь воқеасига бағишлаб ёзилган бади-ий асар учрамайди. Чунки у кенг умумхалқ ҳодисаси сифатида кутиб олинмади. Аксинча, тўнтариш деб қаралди. У ҳақида асар ёзиш 1918-1919 йиллардан изга тушди. Аксинча, 1917 йилнинг 27 ноябридаги мухторият эълони кенг халқ ом-масидаги каби адабиёт аҳлида ҳам шавқ-завқ уйғотди, янги поэзия XX аср 20-йилларга ғоят мураккаб ва зиддиятли туйғуларни ўзида жо этган эътироф ва эътироз билан кириб келганди.

XX аср 10- йилларда яратилган наср намуналари у қадар кўп эмас. Ан-бар Отиннинг “Каролар фалсафаси”, Саидрасул Азизийнинг 1910 йилдаги “Москва ва Петербург саёҳати” хотиралари каби ижтимоий-фалсафий, сар-гузашт-автобиографик асарларини назардан соқит қилсак, Бехбудийнинг “Оқ елпогачли чинли хотун”, Абдурауф Шахидийнинг “Фалокатзада” (1911) ҳикояларини, Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг “Бефарзанд Очилди-бой” (1914), Ҳамзанинг “Янги саодат” (1915) сингари “миллий роман” деб номланган қиссаларини, ниҳоят 1915-1916 йилларда эълон қилинган Абду-

лла Қодирийнинг “Жувонбоз” ва “Улоқда”, Чўлпоннинг “Дўхтир Муҳамма-дёр” асарларинигина қайд этиш лозим бўлади.

Драмачилик, XX аср 10- йилларнинг иккинчи ярмида қизгин ривож топ-ди. Тошкент, Самарқанд, Кўконда театр хаваскорлар труппалари тузилиб, самарали иш олиб борди. Самарқандда Беҳбудий изидан бориб, Абдулла Бадрий (“Жувонмарг”, “Аҳмоқ”), Ҳожи Муин (“Эски мактаб, янга мактаб”, “Кўкнори”, “Мазлума хотин”, “Жувонбозлик қурбони”, “Бой ила хизмат-кор”, “Қози ила муаллим”), Нусратилла Қудратилла ўғли (“Тўй”, “Кенгаш мажлиси”), Тошкентда Абдулла Авлоний (“Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, “Биз ва Сиз”), Абдулла Қодирий (“Бахтсиз куёв”), Гулом Зафарий (“Бахтсиз шогирд”), Фарғона водийсида Ҳамза (“Заҳарли ҳаёт”, “Илм хидояти”, “Мул-ла Нормуҳаммад домланинг куфр ҳатоси”), Хуршид (“Безори”, “Ориф ила Маъруф”, “Қора хотин”), ниҳоят, Бухорода Абдурауф Фитрат (“Бегижон”, “Мавлуди шариф”, “Або Муслим”) каби адибларимиз бир қатор драмалар ёздилар.

1916 йилги мардикорлик воқеаларига бағишланган драмалар пайдо бўлди. “Лошмон фожиаси”, “Рабочий”, мухторият ҳақида “Автономия ёки мухторият” (Ҳамза) номли драма ёзилди. Фитратнинг машҳур “Темур саға-наси” драмаси Туркистон мухториятининг фожиона қонга ботирилиши таассуротлари асосида майдонга келган эди.

Янги замонавий адабиётшунослик ва танқид шаклланди. Замон ва ижод бадиий адабиёт тили, янги адабий жанрлар билан боғлиқ масалалар матбуот саҳифаларида кенг муҳокама қилинди. Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Иброҳим Даврон каби-ларнинг бу борада вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилган мақолалари янги эстетиканинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

XX аср 10- йилларда Туркистон маънавий ҳаётида кенг томир отган ўзбек-жадид адабиёти ўзининг чинакам самараларини қийин-қистов 20-йилларда берди. Чўлпон ўз шеъряти билан янги ўзбек шеърятининг асл пойдеворини яратди. Қодирий ўзбек романчилигига асос солди. Фитрат ўзбек драмачилигининг энг сара намуналари муаллифи ва янги ўзбек адабиётшунослигининг асосчиси бўлиб тарихга кирган.

Жумладан жадидчилик йўналишидаги Театр аҳамияти жадидлар наздида, аввало, “улуғлар мактаби”, “ибратхона” бўлиб, худди мактаб ва матбуот каби маърифат, илм олмоқ ғоясини тарғиб этиши кўзда тутилган эди. Иккинчидан эса, маърифий ва кўнгилочар томошалар орқали маблағ топиб, маориф, матбуот эҳтиёжларига сарфламоқ кўзланган эди. Туркистонга татар, озарбайжон, рус сайёр театр жамоаларигаши кириб келиши оврупоча ўзбек миллий театр санъатининг туғилишига туртки берди. Туркистоннинг аср бош-лари матбуотида Оврупоча театр санъатининг тури бизда, 1913 йил расман

шаклланмасидан биров илгарироқ бошланганига оид далиллар учрайди. Ўзбек янги театри тарихини махсус ўрганган Б.О.Пестовский “Инкилоб” журнали-нинг бир неча сонларида эълон қилинган катта мақоласида “Коракўл” шахрига яқин бир қишлоққа 1909 йилда “Ўзбек театри ўйналди” деган, хабар борган-лигини қайд этган эди. “Туркистон вилоятининг газети” 1910 йил январь сон-ларидан бирида эса “тез фурсатда Тошкент шаҳрида театр, яъни “муқаллид” ўйини ўйналтурғон мусулмон жамияти (труппа) очилур эмиш... Ул жамият мусул-мон забонида “муқаллид” ўйнар эканлар”, деган хабар босилади. Бу хабардан беш-олти кун ўтиб, яна шу газетада ерли татар ҳаваскорлари доимий театр труппаси тузгани ҳақида ҳам кичик ахборот берилган. Балки аввалги хабарда “мусулмон жамияти” деганда мазкур татар ҳаваскорлари назарда тутилгандир? Аммо бундан қатъий назар, ўша жамият спектакллари бевосита маҳаллий зиёлилар иштирокида ўтган. Агар “Ойина” журналидаги “Доҳилия хабарлари” деб номланган рукни кўздан кечирсак, театр ё концерт томошалари ҳақидаги хабарларда, маҳаллий ҳаваскорлар татар театрчилари билан ҳамкорликда спек-такллар қўйгани, аксарият, миллий пьесалардан сўнг татар пьесалари ўйналган-ни, ҳар бир спектаклда татар ва ўзбек актёрларининг биргалашиб иштирок этганидан огоҳ бўламиз.

Умуман, театр масаласига эътибор XX аср 10- йилларда жуда кучли бўлган. Чор ҳукуматининг Туркистон ўлкасидаги расмий нашри афкори ҳисобланган “Туркистон вилоятининг газети”дан тортиб, “Садойи Туркистон”, “Садо Фарғона” газеталари, “Ойина” мажаласида шундай кизиқишни ифодаловчи оддий хабарлардан то спектаклларга тақризи, театр танқидчилигига оид назарий мақо-лаларгача учратиш мумкин. Масалан, “Ойина” журнали 1913 йилги 8-сонидан “Оврупода театру” номли мақола эълон қилиб, унда Фарғонадаги йирик мамлакат-лар театрлари, уларнинг миқдори ҳақида батафсил маълумотлар беради. Мада-ний тараққиёти юксак бўлган Англия, Италия, Испания, Франция, Германия каби давлатларда юзлаб театр томошахоналари борлиги, булар ёнида эндиликда кинематуғрофнинг ҳам пайдо бўлиб, ривожланаётгани айтилади. Бундай мақолалар маҳаллий зиёлиларни театрчилик ҳаракатига даъват қилса, авомни шундай ма-даният ўчоқларидан баҳраманд бўлишга тарғиб этар эди.

1911 йилда Маҳмудхўжа Бехбудий “Падаркуш ёхуд ўқумаган боланинг ҳоли” номли “3 парда 4 манзарали миллий, биринчи фожиа”сини ёзади. Асарни чоп қилиш хусусидаги уринишлар икки йилгача муваффақиятсиз кечади. Фақат пьесани 1812 йили рус-француз муҳорабасининг Бородино майдонидаги руслар галабаси билан яқунланиши, 100 йиллигига бағишлаб, Тифлисдаги цензорга юбори-лиши нашр учун имкон беради. “Матбуот ишлари Тифлис кўмитаси цензори рухсати билан Кавказ ўлкаси саҳналарида қўйиш мумкин” деган 1913 йил 23 март 19940-сон қарорига кўра, асар 1913 йил Самарқандда алоҳида китоб ҳолида чоп этилади.

“Падаркуш”нинг нашрдан чиқиши, том маънода, миллий театрнинг туғилишини белгилади. Шу йилнинг ўзидаёқ, Самарқандда Бехбудий, Тошкентда Мунавварқори ва Абдулла Авлоний раҳбарлигида асарни саҳналаштириш ҳаракатлари бошланади. “Ойна” ёзади: “Самарқанднинг ўзбек ва татар ёш ва тараккийпарварлари бир бўлиб, ўзбекча “Падаркуш” ва татарча – “Олдадук ҳам олдандук” асарларини Самарқанд қироатаҳонаи исломияси нафъига 1914 йил 15 январь окшоминда Самарқандда кўймоқчи бўлдилар ва ҳам ушбу ғайратли ўзбек ва татарлар бирлашиб, Хўканд ва Бухоро ва ўзга Туркистон шаҳарларинда миллий тиётрлар кўрсатмоқчидурларки, ният ва ғайратлари шоёни шукронадур. Идорага келган мактубларга караганда, Хўканд ва Тошкентда ҳам “Падаркуш” фожиасини сахнадо кўймоқ учун машқ қилмоқда эмишлар. Агарда ғайратли ёшлар миллий тиётрға ривож берсалар, яна бошқа асарларда тартиб нашр қилинур”¹.

Демак, “Падаркуш” пьесасининг эълон қилиниши, бу, Бехбудий ёки Самарқанд шаҳри зиёлилари учун аҳамиятли бир ҳодиса бўлмай, бутун Туркистонда ижтимоий-маданий ҳаётнинг янада жонланмоғи, театр ҳаваскорлари негизида янги-янги маърифатчи жамоалар майдонга келиши учун туртки бўлган.

1913 декабрдан бошлаб “Тошкентда ҳам “Падаркуш”ни саҳнага кўйиш учун ҳозирлик кетади. Бу тўғрисида Тошкент жадид муаллимлари актив роль ўйнайдилар. Жумладан, профессор Авлоний, Муҳаммаджон қори, Низом-хўжаев, Шокир Раҳимий ва бошқалар жиддий киришадилар. Профессор Авлоний айтиви бўйича, ҳозирлик кўрар вақтда Тошкент ҳаваскорларига Муҳаммадёрв номли татар зиёли режиссёрлик вазифасини кўра боради. Лекин ҳозирликнинг бориши яхши бормай, театрни кўйилиши судралиб кетади. 1914 февралда Алиасқар Асқаров Самарқанддан келиб, Тошкент ҳаваскорларига ўзини танита олади ва режиссёрлик вазифаси унга топширилади. Бунинг билан оз кунда ҳозирлик битиб, 1914 февралда “Падаркуш” пьесаси - ҳозирча “Хўр-хўр” комедияси билан бирликда саҳнага кўйилмоқчи бўлади². Демак, режиссуранинг ожизлиги спектакл самарқандликлар билан бирга ёки улардан аввалроқ чиқариш имконини бермаган. Алиасқар Асқар-нинг Самарқандда спектакль постановкасини якунлашини кутишга мажбур бўлинган.

1914 йил 27 февралда “Тошкент Янги шаҳаридаги “Колизей” театрининг 2000 кишилиқ томошахонасида кеч соат еттида “мусулмон” жамият имдодияси фойдасига Тошкент театр ҳаваскорлари расман ўз спектакллари намойишини бошлайдилар. Театр кечаси, Абдулла Авлоний меъмориал музейида сақланаётган “маромнома” (афиша)дан маълум бўлишича, уч бўлимдан ташкил топган. Биринчиси - Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” пьесаси асосидаги спек-такль намойиши. Иккинчиси, - озарбайжон актёрларидан Алиасқар Асқаров,

¹“Ойна” журнали; 1913 йил, 10-сон.

² Солиҳов М. Б. Ўзбек театри тарихи учун материаллар.-Т.:1935 йил, 74-бет.

Гулузорхоним ва М.Шахболовлар ижросида бир пардалик озарча “Хўр-хўр” кулгу томошаси (С.Музағайни асари). Учинчи бўлим – “Миллий ўқиш ва жўрлар” бўлиб, бунда саккиз номерлик концерт кўрсатилиши маълум бўлади. Концертда Мулла Тўйчи ҳофиз, машҳур раққоса Курбонхон, мулла Аҳмаджон тўра кабилар қатнашиши ва сўнгра “Туркистон фарёди” ва “Тўй” номли Абдулла Авлоний қаламига мансуб манзумалар жўрликда айтилишидан огоҳ этилади. Маромнома сўнгида бутун кеча учун мудир масъул Абдулла Хўжа ўғли, режиссёр Алиасқар Асқаров экани қайд қилинади.

Илк парда очилишидан аввал сахнага Мунавварқори Абдурашидхонов чиқиб, театрнинг “ибратхона” экани, унга енгил-елпи қарамаслик, актёрлар эса “бир табиби ҳозик мисоли” эканликларидан қисқача ваъз сўйлаб, бутун жамоани буюк маданий ҳодиса билан табрик этади.

Миллий театр ғояси 10- йилларнинг ўрталарига келиб, бутун Туркистон шаҳарларидаги зиёли ёшларнинг фикри ёдини қамраб олди. Миллатнинг нажотини маърифатда кўрган жадид тараққийпарварлари ўз қарашларининг кенг миқёс касб этишида, халқ ўртасида оммалашиб, уларнинг “басират кўзлари” очилишида театрнинг беназир аҳамиятини тобора чуқурроқ ҳис этмоқда эдилар. Айниқса, “Падаркуш” спектаклининг Самарқанд ва Тошкентда фавқулудда муваффақият қозониши турли шаҳарлардаги ёшларни ғайрат “от”ига миндирди. Ўз театр труппалари, ўз миллий пьесалари ҳақидаги орзу-ўйларни қалбларига жо қилди. Қолаверса, спектакль намоёйишларидан тушадиган маблағ, жойларда моддий қийинчиликдан қийналиб ва ёпилиб қолаётган “усули жадид” мактабларини керакли ўқув анжомлари билан таъминлаш учун ҳам зарур эди.

Агар хронологик тартибда оладиган бўлсак, Тошкент, Самарқанд, Кўкондан сўнг Каттакўрғон, Бухоро, Андижон, Наманган шаҳарларида труппалар таш-кил топиб, театрчилик ҳаракатининг кейинги тараққиётига замин ҳозирлаб борилди.

Туркистон ҳудудида театр ва драматургия ривожига янада жадалроқ одим олиши ҳам мумкин эди. Афсуски, бу жараёнга жуда каттиқ қаршилик қилган кучлар пайдо бўлди. Сахна санъатимизнинг, жадид зиёлилари орзулаганидек, бир неча минг аҳоли сонига тўғри келадиган қатор театр-ибратхоналари вужудга келишида энг катта тўсиқнинг бири мустамлака истибдоди бўлса, иккинчиси диний жаҳолат ва мутаассиблик эди. Рус маъмурлари Туркистондаги театрчилик ҳаракатига, миллий драматургия тараққиёти ва тарғиботига ҳам ташкилий-маънавий, ҳам моддий тўсқинлик қилишга уриндилар.

Пьесаларни сахналаштиришдаги мураккабликлардан яна бири шунда эдики, цензура рухсатидан ўтган асар, қайта намоёйиш этнлганда ёки бошқа шаҳар труппалари сахналаштирганда, яна такроран маҳаллий ҳокимиятдан рухсат олиши зарур ҳисобланган. Шунингдек, ҳар бир миллий спектакль афишаси “Ҳокимларнинг рухсати билан” деган

ёзувдан бошланарди. Ҳатто француз ҳаётидан олиб ёзилган “Қотили Карима” мелодрамасининг “Турон” труппаси спектакли афишасидаги биринчи жумла ҳам, “Ҳокимларнинг ижозати ила” деган сўзлар билан бош ланарди. Шу труппанинг ташкилотчиларидан Абдулла Авлоний “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 2-сонида “Театр ўйновчи кишилар жаноб губернатордан изожат олуб, бош ҳокимларнинг фармойиш-лари ила сўзлайдурган сўзларини эълоннома ёзуб чиқаруб, ҳар кимга маълум ошкор қилиб сўзламишлар”, деб ёзган эдики, бу ҳам тараққийчи ёшларнинг нақадар қаттиқ маънавий исканжада иш тутганларидан гувоҳликдир.

XX аср 10- йиллардан бошлаб Туркистонда миллий драматургия - театр вужудга келди ва маълум маънода ўзбек миллий драмаси бўлган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” асари бунда белгиловчи роль ўйнади. Падаркушни, ўлка ижтимоий-маданий воқеалигида тутган ўрни ва аҳамиятига кўра, 10- йиллар Туркистон тарихининг буюк ижтимоий-сиёсий ҳодисаларидан бири, деб баҳо-ламок лозим.

Жадидлар театрни ибрат мактаби, ибратхона, драматургияни эса “таъзири адабий”, деб тушундилар ва фақат шу тушунчага қатъий амал килдилар. Шу мақсадда, сахна асарларида бачкана, нораво қилиқлар, бепарда иборалар, тубан манзаралар бўлмаслиги учун курашдилар. Дарҳақиқат, “ибратхона”да беадаб ҳатти-ҳаракат ё сўзлар бўлиши ҳеч бир мантикка тўғри келмас эди. Буни илк театр арбобларимиз эстетик принцип даражасига кўтарган эдилар. Балки шунинг учун ҳам халқ театрни муқаддас даргоҳ, деб билди. Бу масканга бориш ва ибратли томоша кўриш эса ҳаяжонли бир воқеадек қабул қилинди. Шу таҳлит, илк миллий сахна асари янгича миллий театрнинг туғи лишини белгилаган-дек, ўз навбатида, театр ҳам драматургиямизнинг шаклланиб равнақ топишида ғоят муҳим бир манба вазифасини ўтади.

Театр, драматургия жадидчилик ҳаракатининг ва жадид адабиётининг бағоят муҳим жабҳаларидан бўлгани учун ҳаракатнинг маърифий, ижтимоий ҳамда сиёсий маслаклари томон йўналтирилди, шу билан мутаносиб ривожланди.

Рисоланинг аҳамиятини муайян этиш учун, унга икки нуктаи назардан қараш мақсадга мувофиқ: бири - профессор А.Фитрат меросида китобнинг ўрни, иккинчиси, китобнинг мусика фанида, жумладан, шарқ мусикашу-нослигида тутган илмий аҳамиятидир, ва кенг маънода-жадидларнинг ҳаёти ҳамда маънавият соҳасидаги ишларида мусиканинг ўрнини билмокдир.

А. Фитратнинг серкирра ижтимоий ва илмий фаолиятида мусикий масалалар салмоғи хусусида сўз юритар эканмиз, жадидлар ҳаракатига оид умуммаданий дастур мазмунини ёдда тутиш лозим. Чунки А. Фитрат санъат ҳаётида фаол қатнашган. Одамзод тараққиётида маънавият аҳамияти ва шунга ўхшаш муаммолар инқилобга қадар унинг бутун ҳаёлини камраб

олган эди. Бунга унинг “Оила” монографияси далил бўла олади¹.

Ўша пайтда инқилобга хос тўполон, тартибсизликни кўзда тутсак, шу билан бирга, ажнабий ишбилармонлар катор маънавий бойликларимизни арзон-гаровга олиб кетганларини инобатга олсак, А.Фитратнинг бу соҳада ҳам миллат-парвар, йирокни кўра олган олим эканлигини яққол кўрамиз. Ўзи мероснинг кадрилини била туриб ўзгаларда ҳам шу иштиёкни уйғотар эди.

Замона ҳам, давр ҳам гарчи шароит оғир бўлса-да, қадимий китоб, муסיқавий созлар, амалий санъат асарларини кадрлайдиган бўлган.

“Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи”ни нашрга тавсия этган Илмий қўмита Фитратнинг муסיқада мутахассис эмаслигини таъкидлайди ва шу билан бирга, миллий муסיқашунослар етишиб чиқишини кутиб, ҳеч нарса қилмай ўтиришни ҳам нодуруст деб билади. Муаллифнинг ўзи ҳам камтаринлик билан бир неча бор муסיқашунос эмаслигини такрорлайди. Аммо Фитратнинг замондоши бўлган машхур чолғучи Абдуқодир найчининг қизи раққоса ва драматик актриса Қумрихон опа (ўша кезларда ўн ёшда бўлган) Фитрат домланинг дўстлар мажлисида наво-зандалик қилганлиги тўғрисида бизга қимматли маълумот берди. “Шердор мадрасасига келиб, дадам, Домла Ҳалим, яна ўша институтда (Самарқанддаги рақс ва муסיқа инсти-тутида - Д.Р.) ишлайдиган музикантчиларни боғларига олиб кетар эдилар, ўшанда Фитратнинг танбур чертганлари эсимда”².

А.Фитратнинг маданий-ижтимоий фаолиятида, умуман, ҳамма санъатларнинг ривожига кўзда тутилган дейиш мумкин. Бу муסיқа, театр, Кино санъати, ҳам муסיқавий фольклор, этнография, халқ амалий санъатларига тегишли бўлиб, асосан, ёш, қобилиятли йигит-қизларни топиб, уларни ўқишга, етук санъаткорларни эса ўқитувчиликка жалб этган эди.

Бу гапларни ҳозир айтиш осон, у пайтларда эса ҳаётий мураккаб муаммолар кўп эди. Улардан бири: санъат соҳасида хизмат қилиш шарафли иш деб ҳисобланма-ганлигида. Бундай муносабатни жамият психологиясида кескин ўзгартириш керак эди. Йигарманчи йилларда миллий санъатларга қизиқиш авж олган эди. Рус Жўғрофия Жамоати (Русское Географическое Обхцество) қошида этнография бўлими ташкил этилади. Шу бўлимда халқ муסיқасини ўрганиш Комиссияси (Комиссия по изучению народной музыки) 1925-1926 йилнинг ҳисоботида қуйидаги илмий маърузалар акс этирилган: 10 май - С.Е.Малов ва Е.Э.Бертельс: “Уйғур ва Хитой сартларининг муסיқа ва ашулалари”; 22 июнь - С.Д.Бергельсон: “Шарқ муסיқа маданиятининг тарихий босқичлари”; 5 июль - Е.Э.Бертельс: “Турк дарвишларининг ашула ва муסיқалари”; 27 ноябрь - Е.Э.Бертельс: “Х аср араб алломаларининг муסיқавий назариялари”¹.

¹ Жадидчилик:ислохот,янгилиниш,мустақиллик ва тараққиё учун кураш-Т.: “Университет”, 1999 йил, 129-бет.

² Жадидчилик:ислохот,янгилиниш,мустақиллик ва тараққиё учун кураш-Т.: “Университет”, 1999 йил, 132-бет.

Домла Фитратнинг мусиқа ва санъатларга бағишланган ёзувларидан “Озод Бухоро” газетасида (1926 й.), “Маориф ва ўқитувчи” журналида, “Санъат маншай” (1927 й.), “Аланга” журналидаги, “Ўзбек мусикаси тўғрисида” (1928 й.) мақолалари монографиянинг ёзилиши ва нашр этилиши жараёнида жамоага манзур бўлган эди. Хатто, Бокуда нашр этилган энг биринчи йирик “Оила” номли асарининг “Ибо” бобида мусиканинг ҳалол ва покиза соҳа эканини исботлайди ва бунинг учун, “Саҳиҳи Бухорий” ҳадисларидан Биби Ойша сўзлаган ҳикояни танлаб олган. Бу ҳадисда Муҳаммад пайғамбар ашула айтаётган канизақларни Абу Бакр ғазабидан ҳимоя этади. Фитрат танлаган ҳадисларнинг яна бир нечасида пайғамбаримиз оилалари билан бирга рақс томоша қилганлари, мусиқа тинглаганлари ҳақида ҳикоя этилган. Айнан биринчи ҳадисни XVI асрнинг II ярмида ижод этган мусикашунос, оҳангсоз ва шоир Дарвеш Али Чангий ҳам ўз касбини оқлаш учун қўллаган эди. Оралари тўрт юз йил бўлган икки муаллиф бир манбага мурожаат этишибди. Шу давр мобайнида, мусиқага, аҳди санъатга муносабат ўзгармаганлиги диққатни жалб этаяпти: ҳамон мусиқа-нинг ислом шахси ҳаётида кераклиги таъкидланади. Шу каторда, “Шашмақом”ни ноталар воситасида ёзиб олишни ташкил этилиши ҳам, Фитратнинг мусиқа соҳа-сида бажарган улуг иши бўлди. Китобда муаллиф бу ишларда ўзининг иштироки ҳақида камтарлик кўрсатиб, айтмай ўтган. Аммо шу ишни бажарган .А.Успенский, дўсти В.М.Беляевга ёзган бир мактубида: “Шашмақомни нотага ёзиб олиш ғояси ўзбек ёзувчиси ва мусиқа мухлиси Фитратга мансуб”, - деган. Шу икки рус олимларининг ўша йилларга доир хатларининг саҳифаларида Фитратнинг исми бир неча бор тилга олинади. Жумладан, 1924 йили В.М.Беляевнинг В.АУс-пенскийга “Музыкага оид қўлёзмаларни қидирган, топган, бу ниҳоятда зарур манбалар” деган сўзларига жавобан, В.А.Успенский “Бу қўлёзмаларни кадрловчиси ва билимдони Фитратдир” - деб ёзади¹.

“Музыкамизнинг катта камчиликларидан биттаси унинг тарқоқлигидир”, деб кўрсатган эди А.Фитрат, 1928 йилда эълон қилган мақоласида. – “Бир куй Хи-вада бошқа, Тошкентда “Аммо, йиллар ўтгач, ҳаёт, ижодий фаолият шуни кўр-сатдики, домланинг мусикавий ижрочилик услубларининг “бирлашишига” интилгани аслан, бизнинг мусикавий мафкурамизга ёт экан. Минтақамизнинг ҳар бир шаҳари ўз оҳангида сўзлайди. Фақат биргина Фарғона водийси бўйлаб сайр этсак, Қўқонда, Марғилонда, Андижон ёки Фарғонада суҳбатнинг оҳанги, мусикавий усули ўзгача, гарчи ҳар бири ўзбек тили бўлса ҳам. Ёки Самарканд, Бухоро, Хўжанднинг тожик тилини эшитсак буларнинг сўзлашув оҳанги, мусикавий усули, ижрочилик услубида фарқ бор. Ва шундай ранг-баранглик бойлигимиздир, тингловчи шуни яхши кўради, хоҳлайди. Ҳозирги радио ва телевизор таъсирида шу локал фарқлар рақс ва ашула айтиш услубларида йўқолаётган сари афсусланмоқдамиз. Ва шуни ҳам шохиди бўлмоқдамизки, агар уста маҳоратли созанда, туғилган ерининг мусикавий мафкураси эгаси

¹ Шарипов Р. Туркистон жадиличлик ҳаракати тарихидан.-Т.: “Ўқитувчи”, 2002 йил, 113-бет.

бўлса, ўзлигини сақлаб қола олади ва қадимий ранг-баранг анъаналарга бугун ўз ҳиссасини қўшади.

Музыка илмининг тарихи, тўғрироғи, ёзма тарихи минг йилга эга. Ёзма тарихи деганимизда сақланиб қолган рисоаларни назарда тутсак, бу фан улуғ мутафак-кир Абу Наср Форобий китобларидан бошланади. Шу минг йил давомида яратилган энг катга фундаментал асарларнинг муаллифларини эслаб ўтайлик: IX-X асрларда Ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, XII асрда Умар Хайём, XIII асрда Кутбиддин Шерозий, Сафиуддин Абдулмўмин Урмавий, XIV асрда Абдулқодир Мароғий, XV асрда Абдурахмон Жомий, ал-Хусайний, XV-XVI асрда Нажмиддин Каикабий Бухорий, XVI асрнинг икки-ярми XVII асрнинг 20-йилларида ижод этган Дарвеш Али Чангий, чорак асрдан кейин Боқийи Ноиний, XVIII асрда Давра Суфрачи Каромий рисоалари бизгача етиб келди. Бу рисоалар шарқ мусикашунослигида назарий, амалӣ ва тарихий билимларни мужассам этган фундаментал тадқиқотлар ҳисобланади. Аммо илмий манба сифатида яна бир қатор, асарлар қўлланиб келинган. Булар номаълум (аноним)муаллифлар қаламига мансуб рисоалар, комусий (энциклопедик) асарлардан ўрин олган муסיкий бўлимлар, тарихий номалар, хотиралар, луғатлар, адабий шеърӣ ва насрий бадиий китоблардир. Масалан, Давлатш-оҳнинг “Тазрикат-уш-шуаро”си, шу ном билан машҳур Мутрибийнинг таз-кираси, “Ғиёс-ул-луғот”, “Бурҳони қотеъ” фарҳанглари, Навоийнинг “Мажолис-ун-нафоис”и ва баёзлар шулар жумласидандир. Фитратнинг китоби мусика шунослик нуқтаи назаридан баҳоланса, мусика илмининг пойдевор асарлари қаторига киради.

Фитратнинг китоби ўрта аср шарқ муסיкавий рисоалари тарзида ёзилган, яъни рисолада илми муסיкийнинг ҳамма анъанавий (Форобий даврдан буён) қисмлари акс эттирилган¹. Бунда маълум даражада, ҳам ўтмиш, ҳам муаллиф яшаган давридаги муסיкий назария амалиёт, ижодий муҳит инъикоси бўлган. Ўтмиш рисоаларни ўқиганда, бир муҳим ва қимматли жиҳат аён бўлаяпти. Бу мусика санъакорларининг серкирра фаолияти ва шунга биноан тарбиявий-педагогик анъанадир. Одатда ҳофиз ҳам созандалик қилар, ҳам шеър илмини мукамал билар эди. Шунингдек, аксарият, ўзи шеър ижод этиб, унга ўзи қуй басталар эди. Созанда бир эмас, балки бир неча чолғуни ўзлаштирар эди. Мусикада ўткир қобилиятли бўлганлар эса, гарчанд бошқа бир касб эгаси бўлсаларда, бўш вақларида муסיкавий ижрочилик билан машғул бўлардилар. Рисоаларнинг варақларида ўнлаб чолғучи, мутриб, оҳангсоз ёки муסיкий рисола ёзган жарроҳ, мунажжим, қози, шоир, муаррих, новвой, кулолчи, рассом ва хаттотларнинг исмларини учратамиз.

¹ Фитрат А. Танланган асарлар, 1-жилд.-Т.: “Маънавият”, 2000 йил, 127-бет.

Абдурауф Фитрат ўзи ҳам шундай алломалардан бўлган эди. Шоир, драматург, диншунос, муаррих, араб, форс, туркий тилларини мукамал билган олим, шарқ мусикий илмидан яқиндан хабардор бўлгани ҳолда, ушбу китобини ёзишга киришади. Улардан кейинги даврда ижтимоий ҳаётда кескин ўзгаришлар содир бўлди. Фитрат айтганларидек, “кун сайин ўзгаришлар кириб келди”¹. Радио, граммофон, патефон, пластинкалар, кейин телевизор воситалари маиший турмуш жараёнига сингиб борди. Шу тариқа, янги таассуротлар юзага келди. Шарқ билан ғарб орасида жонли ришталар кучая борди. Асрлар оша шарқ садолари ила шаклланган Бухоро Шашмақомининг XX аср II нчи ярмида янги матнлар, эстетик тус олиши табиийдир. Фитрат ўша эски мактабнинг охириги намояндаларидан маълумот олишга интилни ва улгурди.

Фитрат ҳам шу заминнинг фарзанди. Манбалар етарли даражада бўлмаганлиги сабабли ёзилмай қолган, аммо “Дувоздаҳ мақом” системасига, унинг тарихи, келиб чиқиши, булоклари ва ислом динидан олдинги ва ўрта асрлар давлари хусусидаги илмий тадқиқот Фитратдек олимнинг ижодий режаларида бўлиши табиийдир. Бутун илмий меросининг мантиғи шунга олиб келаяпти.

Шундай қилиб, хулосада Фитратнинг “Ўзбек классик, мусиқаси ва унинг тарихи” рисоласи бир минг саналик тарихни янги, XX аср даври билан туташ этган кўприк дейиш мумкин. Фитрат, ҳатто, биринчи ўзбек операсига либретто ҳам ёзган эди.

Фитратнинг исми ва мероси ман этилган қатағон йилларда, баъзи совет олимларининг шахсий ташаббуси ва мардлиги ила назардан четда қолмади. Профессорлар В.М.Беляев, Ф.М.Кароматов, Исҳоқ Ражабов Фитратнинг китобидан унумли фойдаланишди ва унинг тарихий аҳамиятини китобхонга етказишди. Ҳозирда эса, Отаназар Матёкубов, Алекеандр Жумаевнинг изланиш-лари катта аҳамиятга эга. Умуман, Фитратнинг серкирра фаолияти қайси соҳада бўлмасин - хоҳ театр, хоҳ адабиёт тарихи, хоҳ ижтимоий ишлар соҳасида қай даражада ноҳақ қораланган бўлса-да, фақат мусиқашуносликда қораланмай қолди. Мюнхенда яшаётган ватандошимиз, профессор Темур Хўжа ўғли Фитратнинг адабий ва умумий фаолиятига бағишланган тадқиқотларда уни мусиқашунос сифатида тилга олади.

Жадидчиликнинг озодлик йўлидаги миллий йўналишларида, яъни анги усул мактаблари, газета ва журнал, адабиёт, театр ва мусиқа соҳасидаги қарашларида олиб, борган ислохотлари, аввало, Туркистон халқини ҳар бир соҳа жабҳаларда марифатли этиб тарбиялаш эди. Яна шу нарсани таъкидлаш кераки, жадид боболаримизни олиб борган ижтимоий-сиёсий ва маънавий- марифий йўналишдаги фаолиятида алоҳида ўрин эгаллаган инсонийлик Ватанпарварлик, Мехнатсеварлик ҳамда Фидоийликдир.

Халқимизнинг асл табиатида мавжуд бўлган марифатпарварлик, илмий-маънавий

¹ Фитрат А. Танланган асарлар, 1-жилд.-Т.: “Маънавият”, 2000 йил, 137-бет.

солоҳияти ва фазилатлари ҳақида фикр юритганда, “Оққан дарё оқаверади”, деган нақл ёдимизга тушади. Чиндан ҳам, тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илм-у маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини, халқимиз даҳоларининг ўлмас тимсоли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам маърифатпарварликка интилганлигини тарихимизда яққол намоён бўлиб келганини кўрамыз.

2.2 Жади́дларнинг миллий ғояни сингдиришда янги усул мактабининг аҳамияти.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек халки миллий маданияти, маънавияти тараққиётида мустамлакалик даври бошланди. Чор Россияси ўзининг мустамлакачилик сиёсатида Туркистонни нафақат сиёсий, иқтисодий, балки маънавий мустамлакага айлантиришнинг режасига эга эди. Буни уларнинг ўзлари ҳам яширмас эдилар. Бу ҳақда М.А.Мурапиев 1882 йил 30 август куни Тошкент ўқитувчилар семинариясидаги йиғилишида “Мусурмонларимиз маорифининг асосида уларни руслаштириш... ётмоғи лозим” деган бўлса¹; Туркистон генерал-губернатори И.А. Куропаткин эса кундаликларида “Биз 50 йил туб-жой аҳолини тараққиётдан четда тутдик”, - деб қайд этган эди².

Хўш, миллий – маданий, сиёсий, иқтисодий, педагогик турғунлик ўзбек миллати ҳаётида қандай акс этди. Энг аввало, миллий ўзликни англашнинг, миллий ташаббускорликнинг, миллатдаги яратувчилик қувватининг сезиларли сўндирилганлигида, илм-фан жабҳаларида орқада қолиш, хабарсизликда (Фитрат) намоён бўлди. Бу ҳақда Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат (1862-1937) шундай ёзган эди: “Илмия тўғрисида биз халқда чандони аҳамияти йўқ, таназзулда турур, бўлак фикрларни илмдан топган даража ва маданиятларини кўриб туриб ҳеч ҳаракат қилмайдурлар. Илмни асоси маишат эканини таҳиқ ила билганлари йўқ! Бу сабадин омиллари кўб, ишларида аҳамият йўқ, таваккул ила қоринлари тўқ!... Авлодлари ўйин-кулгига машғул бўлиб, умрини арзон ўйунга сарф этиб, бовужуди бу мамлакатга жоидор, мусофир бўлмасалар ҳам мусофирларидан маишатда нооқисдурлар. Шояд мундин буён саодат ва фазилат қадрин билсалар!”³ Истанбул, София, Афина, Рим, Кобул, Жидда, Бомбай, Калькутта шаҳарларида бўлиб ва яшаб, араб, форс, англиз, ҳинд, урду тилларини билган Ибрат мавжуд аҳволни тузатиш мақсадида 1907 йилда Тўрақўрғонда янгича усулда мактаб, босмаҳона очган эди. У араб, форс, ҳинд, турк, ўзбек ва рус сўзларидан таркиб топган “Луғат ситта алсина” (Олти тилли луғат, Тошкент, 1907) тузган. Лотин, юнон, славян, хитой, ҳинд, араб ёзувларининг келиб чиқиши ҳақида “Жомеъ ул-хутут”, “Таърихи Фарғона” (1916), “Таърихи маданият” (1925) каби илмий асарларини чоп этди. Ибрат ўлкамиз тарихида ёркин из қолдирган миллий-озодлик, замонавийликни шиор қилиб олган жади́дчилар вакили эди.

Миллий янгиланиш, замонавийлашиш ғояси Туркистонда XIX аср охирида миллий- маърифий кураш шаклида намаён бўлди. Бу ҳаракатнинг мақсади “Янги усулда таълим ва тарбияни Оврўпо цивилизациясига мослаштириш эмас, балки Оврўпо

¹ Ўзбегим. “Звезда Востока” журнали кутубхонаси. “Ватан”серияси.-Т.: 1992, 151-бет.

² Ўша манба. 165-бет.

³ Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар.-Т.: “Маънавият”, 2005 й, 25-бет.

цивилизациясини ўрганиб, уни миллий маданиятга хизмат эттириш”нинг бир ифодаси эди. Туркистонлик жади́дчилар ўлка истиқлолининг маърифий шартини, аввало, ёш авлодни замонавий Оврўпо илмлари даражасида ўқитиш билан миллий тарбиялашни уйғунлаштиришда, деб билдилар. Бу ҳақда “Маърифатчилар ўзликни англашни миллий тарбияда жауда юқори ўринга қўядилар, Ўз миллати, ўз ватани, ўз давлати – мана шулар шахсни шахс қилади, шахсни мана шу миллатнинг бир ориф парчасига айлантиради. Ва мана шулар миллатга миллат унвонини беради”¹, - дейди кейинчалик замондошимиз Иброҳим Ғофуров.

Бироқ Туркистонда жади́дчиликка кескин қаршиликлар бўлди. Бунга сабаб, бир томондан, уларнинг мақсадини тўғри тушуна олмаган Бухоро амири, иккинчи томондан, жади́дчилардан инқилобий ҳаракат дея чўчиган Россия империя амалдорлари бўлсалар, учунчидан, жади́дчиликни исломга душман бир ҳаракат деб тушунган, унинг асил моҳиятини англашни истамаган мутаасиб диндорлар эди. Мутаасиб руҳонийлар ёшларни миллий – замонавий тарбия йўли билин мустамлакачиликдан озод қилиш мақсадига интилган жади́дчилар – Мулла Нафас, Зинҳорий, Авлиёқули, Мискин, Ибрat, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Зоҳирий, Тавалло, Фитрат, Чўлпон, Авлоний, Ҳамза, Айний, Қодирий ва бошқа маърифатпарварларни кофир даб эълон қилдилар. Бу ҳақда Фитрат: “Ё раббий, қулдан кетган маданиятимизни тиклашга ҳаракат қилган заҳотимиз уломоларимиз “кофир бўлдинг”деб, бизни йўқ қилиш пайига тушадилар”², - деган эди. Ҳолбуки, жади́дчилар ўзбек миллий маданиятини, таълим-тарбияни риважлантириш йўлида заҳмат чеккан ва:

Ҳар кун ўлурам шомгача ғамга гирифтор,
Ҳар шаб ёнарман оташа парвона каби зор.
Ҳеч кимса эмас мени аҳволима воқиф,
Мен хастаяму миллатим ўлмиш нега бемор?

(Абдулла Авлоний)

дея амалий чоралар кидирган ватанпарварлар эди.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамият тафаккурининг

¹ И.Ғофуров. Миллатнинг биллурланиши. “Халқ сўзи”, 1995 йил 5 январь.

² А.Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси. “Шарқ юлдиши”, 8-сон.

ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илм-у маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллати равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган.

Маърифатпарвар бобомиз жаидчилик ҳаракатининг йирик намоёниси Абдулла Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот, ё халокат, ё саодат ё фалокат масаласидур”¹ - деб айтиши бежиз эмас эди. Мустамлакачилик зулми ва сиёсатининг ўзи XIX аср охирига келиб Туркистондаги маҳаллий мусулмон халқлари учун “ё ҳаёт ё мамт” масаласини юзага келтирган бир давр эди. Шунинг учун ҳам Туркистон ўлкасидаги жаидчилик ҳаракатида алоҳида уринда тутган “янги усул мактаблари”ни ташкил этилиши орқали маърифатпарвар боболаримиз туб аҳолини саводхон этишга ва миллат маънавиятини шакллантиришга, янги ўқув тизимини жорий қилганлар. Бу тизим орқали “Эски” мактабида болалар ўқиш ва ёзишни 5-6 йилда ўрганиб савод чиқарса, жаид мактабида бунинг учун ўрта мактабда икки йил ва ҳатто 6 ой кифоя қилди². Бу маориф соҳасидаги беҳад катта кашфиёт эди.

Жаид мактаблар, дарсликлари ва уларда ўқитиш жараёни миллий рух ва миллий озодлик мафкураси асосларига бўйсундирилган эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, жаид мактаблари ёш авлодга фақат миллий руҳнигина эмас, балки умуминсоний кадрият ва байналмилалликни ҳам сингдира бошлади.

XX аср бошларида Туркистонда жаидчилик ҳаракатининг қанот ёзишида Россия, Туркия ва Эрон инқилобларидан ташқари, Қрим ва Волгабўйи татарларининг матбуоти, биринчи навбатда, Исмоилбек Гаспринскийнинг “Таржимон” газетаси муҳим аҳамиятга молик. Матбуотнинг тараққийпарвар кишилар қўлида қудратли қурол эканлигини, Россия империяси сезган.

И. Гаспрани “Таржумон” рўзномасида бир қатор мақолалар билан чиқиб, миллат эркини, ўзлигини тиклаш ғояларини тарғиб қилди. Бу жиҳатдан олганда, “Муаллим”, “Меҳнат ва тараққиёт” мақолалари анча ибратли бўлиб, унда инглиз, француз маорифи, иқтисодиётидаги айрим томонлар талқин этилади ва улардан ибрат олишга чақирилади. Албатта, рўзномадаги ҳур фикрлар чор амалдорлари ғазабини келтирсада, мусулмонларнинг маълум даражада ақл кўзларини очди. Урта Осиёнинг турли шаҳарларида ҳам ана шундай рўзнома ва ойномалар чоп этила бошланди. |Журналистика, маориф соҳаларида И. Гаспранининг ҳамсафлари сони кўпая борди. И. Гаспрани 1884 йилда “усули

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008 йил, 79-бет.

² www.ziyouz.com.

жадида” — янгича усул билан ўқитиш мактабини очди. Дастлаб унда 12 бола таҳсил олди. Қирқ кунда уларнинг саводи чиқди. Болаларнинг ота-оналари ва четдан келган одамлар имтиҳон қилдилар. Ўқитишда аъло натижага эришилганлиги эътироф этилди¹. Бундан илҳом олган муаллиф “усули жадида” мактаблари учун тўрт қисмдан иборат “Хўжаи сибиён” (“Болалар муаллими”) номли илк дарсликни яратди. Дарслик бир қатор туркистонлик маърифатпарварларнинг ҳам диққатини тортди. Ундан андоза олиб, янгича усулдаги бир қатор дарсликларни яратдилар. Бу албатта, И. Гаспрали нуфузининг ўзбек маърифатпарварлари орасида бекиёс даражада ошиб бораётганлигидан далолат эди. М. Бехбудийнинг “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача умумий география”), Саидрасул Азизийнинг “Устози аввал” (1901), Мунаввар қорининг “Адиби аввал” (1907), Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим” (1910) каби дарсликларининг вужудга келиши “усули жадйда” мактабларига эътиборнинг кучайиб бораётганлигидан далолат эди.

Бундай мактаблар 1893 йил Самарқандда, 1898 йил Тўқмоқда, 1899 йил Тошкент ва Андижонда, 1901 йилда Қўқонда ташкил топди. Сўнг улар аста-секин яширин ва расмий ҳолда бутун Туркистон бўйлаб тарқалиб, тармоқ отди. Русияда бошланган биринчи демократик инқилоб йилларидан бошлаб то 1929 йилгача бу ҳаракат мактабчилик, матбуотчилик, ҳар хил ижодий, маданий-маърифий ташкилот, ҳукумат ва фуқаролар кўринишида янада кенгайди. 1917 йилга келиб жадидчилик ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда асосий ҳаракатга айланди.

М.Бехбудий маърифатнинг, маориф ишларининг фақатгина назариётчиси бўлиб қолмай, балки ўлка маорифи ривожига амалий томондан ҳам жонбозлик кўрсатди. У Истанбул, Уфа, Қрим, Қозон, Оренбург каби шаҳар ва мамлакатларни кўрди ва билди, “янги усул”ни туркистонликлар орасида биринчилар қатори амалда қўллади. 1905 йилда Бехбудий томонидан ташкил этилган мактаб Самарқанд шаҳри яқинидаги Каптархона қишлоғида эди. Тажриба сифатидаги бу мактабнинг шаҳарда эмас, балки қишлоқда очилишининг боиси бор эди. Чунки шаҳарда ушбу усулда ўқитишга қарши чиқувчилар ҳукумат томонидан ҳам, маҳаллий аҳоли томонидан ҳам жуда кўп эди. Бехбудийнинг бу мактабдаги фаолияти ҳақида ўша вақтларда Самарқанд шаҳрида Морозов томонидан нашр этилаётган “Самарқанд” газетасида Алматов деган муаллиф томонидан хабар берилган. Унда: “Замечательно, неожиданная легкость в усвоении учениками чтения и письма, устранившая надобность в побуждении и наказании, привязала учеников к школе

¹ И.Тўлак. XX аср ўзбек адабиёти. “Андижон”, 1993 йил, 18-бет.

и учителю, чего неть в обыкновенном мактабе" дейди¹. Бу усулнинг муваффақиятига бошда маҳаллий аҳоли ишонишмайди. Лекин ҳамма иш жуда силлиқ кўчади. Ота-оналар бу мактабда болаларининг жуда тез савод чиқараётганлигини кўриб, ҳайрон бўлади ва шубҳалана бошлайдилар. Авваллари 4-5 йилларда ўрганадиган нарсаларни болалар бир йилда ўрганиб олишган эди. Кўпчилик "тез ўрганган, тез эсидан чиқаради" деб хулоса қилади. Лекин шогирдлар олган билимларини унутиш ўрнига, кундан-кунга олға қараб бораётган эди. Бехбудий бошда шогирдларга оддий ўқув-ёзувни ўргатган бўлса, кейин "Ҳафтияк"ни ўргатишга киришади. Ушбу "Ҳафтияк"ни ўқитиш жараёнида Бехбудийда янги фикр пайдо бўлади. Энди у ўз ўқув дастурига системали суратда араб тилини ўқитишни киритади. Бундан ташқари, мактабда арифметика, география ва шу каби дунёвий фанлар ҳам ўқитилар эди.

Бу мактаб очик ҳавода бўлиб, оддий парталар қўйилган жойдан иборат бўлган. Шогирдлар сони 40 тачалар атрофида бўлиб, 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўғил болалар эди. Бехбудий мактабни кўриш учун яширинча келган маҳаллий аҳоли ва муллаларни ҳамкорликка чакиради. Лекин муллаларнинг бу таклифдан эҳсонлари чиқиб, ваҳима кўтаришади. Ота-оналарнинг кўпчилиги глобусни кўриб, ўқитувчи Бехбудийнинг география дарсида "ер айланади", "куёш ердан катта" деган сўзларини эшитиб, уни "шариатга зид" нарсалар ҳақида ташвиқот қилишда айблай бошлайдилар. Шунда Бехбудий эришган шунча муваффақиятларига қарамай, барибир, ўзига бир ҳамкор, ҳаммаслак, ҳамфикр керак эканлигини англайди. Унинг Самарқанд шаҳри, Жомбой тумани, Ражабамин қишлоғида ўз ҳисобидан мактаб очиб, болаларга сабоқ бераётган Абдулқодир Шакурий билан танишуви бу ҳамкорликни бошлаб берди. Дастлаб, Бехбудий Шакурий мактабига бориб, унинг дарсларига, ўқув дастурларига ёрдам бериб юради. Жуғрофия фанидан шогирдларга дарс беради. Бехбудий бу ҳақда "Туркистон вилоятининг газети" да "...камина рақами ҳаруф ҳам ҳафтага бир-икки маротаба бориб тартиб ва пружрамаларини муаллим ила бомашварат тузатурман. Жуғрофия ва масоҳат тўғрисида таълим ва имтиҳон қилармиз. Хулоса, алҳамдуллило, мактабни ривож и яхши ва бир оз ақча пул тўғрисида тазйиқи бордур"², дейди. Бундан ташқари ушбу мактабда Бехбудийнинг жуғрофиядан дарс берганлигини Раҳматулла Раҳимий "Туркистон вилоятининг газети"да ўзининг "Бузуғ мактаб усули жадида боласи", деган мақоласида ҳам эслаб ўтган.

Ушбу мактаб шогирдларининг кўпчилиги шаҳардан қатнаган. Узоқ йўл болаларга қийинчилик туғдирган. Бундан ташқари мактабнинг моддий аҳволи ҳам анча танг эди.

¹ Б.Алмаиов. Самарқанд газетаси, 1905 йил, 22-сон.

² Туркистан газетаси. 2011 йил, 8-сон.

Шунинг учун Бехбудий бу мактабни шаҳарга, ўз ҳовлисига кўчириш учун генерал-губернатор номига ариза беради. Ариза кўриб чиқилиб, мактабни кўчиришга рухсат берилади. Мактаб Бехбудий ҳовлисига кўчирилгач, текшириш учун ҳукумат томонидан одамлар келишади. Ликошин билан Вяткин бу ишга маъсул қилиб жўнатилган эди. Бехбудий мактабнинг фаолиятини кўрсатиш учун бу кунда шаҳарнинг орбўли уламолари, савдогарларини, бойлар ва дўкандорларни ҳам таклиф этади. Икки кун эрталаб 10 дан, кеч соат 6 гача болалардан имтиҳон олинади. Натижа жуда аъло бўлиб чиқади. қатнашган авлиёларнинг кўпчилиги шогирдлар илмига таҳсинлар ўқийди, Ҳатто баъзилар бизнинг фарзанди анжуманларимиз ҳам илм йўлларини шунчалик тез эгаллар экан-ку, деб ўта хаяжонланиб, йиғлаб ҳам юборадилар. "Ҳожи Мавлонбек жаноблари олти соат қадар муттасил туриб болаларни кироат ва диний берган жавоблариға йиғлаб, муаллимға 15 сўм ҳадия бердилар"¹, деб ёзади Бехбудий бу ҳолат ҳақида.

Ушбу мактабдаги таҳсил икки қисмдан: ибтидоий ва рушдия қисмлардан иборат бўлиб, ҳар босқичда тўрт йилдан ўқитилган.

Биринчи қисмнинг дастлабки йили арабча ва форсча алифбо асосида ёзувдан машқ қилдирилган. Ҳисоб дарси ўргатилган. Бу даврда Қуръони Карим суралари аста-секинлик билан ўргатилиб борилган. Намоз ўқитилган.

Иккинчи йили "Ҳафтияк"дан дарс берилган. Ҳисоб дарси,форсий, туркий, арабий адабиётлар ўргатилган.

Учинчи йили Қуръони Карим китобини ўқитиш бошланган. Ислом арконининг тавҳиду тажвид қонун-қоидалари ўргатилган. Навоий, Саъдий, Бедилнинг панд-насихат ғазалларидан ўқитилган. Шу жойда таъкидлаб ўтиш жоизки, кўпчилик қадим мактабларида муаллимларнинг безътиборлиги туфайли бу ғазалнависларнинг ишқий шеърлари ҳам ўқитилаверар эди. Бехбудий ўз ўрнида бу безътиборликка чек қўйиш кераклигини таъкидлаган. Бола тарбиясида бунинг салбий оқибатлари ҳақида гапирган. Шунинг учун ҳам у ўз мактабида уларнинг фақат насихатомуз асарларидан фойдаланган².

Тўртинчи йили Қуръони Карим давоми, ислом тоат-ибодатининг давоми, тавҳид, тажвид қоидалари мукаммал ўргатилган. Туркий, форсий: адабиёт, тил, ислом тарихи, ватан тарихи, жуғрофия каби дарслар ўтилган.

Шу тўрт йилда усули жаид мактабининг биринчи, бошланғич қисми, яъни ибтидоий синфи тугатилган. Бу ҳақда Бехбудий: "Тўрт йил тамом бўлгандан сўнгра бола хоҳласа рушдия синфиға тўрт йил ўкутар ё хоҳламаса мадрасаға юборар. Ё уруфий макта-

¹ М.Бехбудий. Танланган асарлар.-Т.: "Маънавият" 2009 йил, 12-бет.

² Б. Қосимов, Ш. Юсупов, У. Долимов, Ш. Ризаев, С. Аҳмедов. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. -Т.: "Маънавият", 2004 йил, 251-бет.

бига берар ё тирикчиликка солар"¹, дейди.

Ушбу мактабга шубҳа билан қараб, уни халқ орасида ҳар хилча гап-сўзлар қилаётганларга қарата Бехбудий шундай ўринли ва мазмунли жавоб беради: "...ибтидоий мактабнинг ажмоли шундан иборатки, мулла Абдулқодир муаллим ва ман бу тартиб ва пригрумларни туш кўриб топганимиз йўқ ва ё шайтондан (олганимиз) ва ё бошқадан олганимиз йўқ. Балки, газитга кўрдик ва муаллим Хўқанд, Тошканд, Бухоро, Оренбург, Қозон шаҳарлариға юруб, ибрат олибдур"², дейди.

Мактабнинг учинчи қисми Рушдия (арабча сўздан олинган бўлиб, ўсиш, камол топиш, ақли комиллик деган маъноларни билдиради) синфи ҳақида муаллиф шундай маълумот беради: "...биринчи сана сарф, арабий, жуғрофия, шифоҳия арабий ва форсий, таржимаи жумла, мухтасари виқоя, тарихи анбиё ва тарихи ислом, истихрож ва истифода дарслар" "Гулистони Саъдий", иншои форсий ва туркий.

Иккинчи сана сарф, арабий, шифоҳия - араб тили амалий машғулоти, тарихи ислом, мухтасари виқоя, ахлоқи Муҳсиний, истифодаи туркий дарслари, истихрож форсий ва туркий иншолар, тасҳиҳ ақида...

Учинчи сана сарф ва наҳви арабий, хандаса, дорилқазо маҳкама исломийға таълуқ хатлар ёзув, мухтасари виқоя, тасҳиҳ ақида, мажмуаи тарихи умумий маошиға таълуқ фунун ва истифодаи дарслар. Туркий хат, русий первой книга...

Тўртинчи сана наҳви арабий, мухтасари виқоя, тасҳиҳ ақида, хат ва сарф, русий, козиҳона, бўлустанойхона хатлари таълими, туркий адабиёт намуналари, ҳифзи сихат, ҳикмат ва ҳайъат ва табиётға таълуқ истифодалик дарслар" ўқитилишини айтиб ўтади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу усулни кўролмовчилар Бехбудийға ҳар хил имзосиз мактублар уюштириб, маърифат йўлидан қайтармоқчи бўлаётганлар кўп эди. Уларга қарата муаллиф: "Биз аҳли ватан йўлиға саъй қилиб ва мактаб очиб, дин ва илмға хизмат қилмоқ учун асл кордан беҳабар ва замонга ноошно кишилардан на қадарки, миннат ва таъна эшитсак ҳам хизмати диния ва миллиямиздан кўлимиздан келганини дариғ тутмаймиз"³, дейди ва ўлим билан кўрkitганларга қарата мардона туриб "...энди мактуб эгасининг бизға юборатурған ўлимиға мунтазирмиз. Ҳар ҳолда ўлим бирдур, икки эмас", деб жавоб беради.

Шундай қилиб, ушбу мактабдаги саккиз йиллик таълимдан сўнг, шогирдлар туркий ва форсийда бемалол ўқиб, ёза оладиган бўлишган. Ҳатто мактабнинг Рушдия қисмида

¹ Ўша манба. 255-бет.

² Б. Қосимов, Ш. Юсупов, У. Долимов, Ш. Ризаев, С. Аҳмедов. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. -Т.: "Маънавият", 2004 йил, 255-бет.

³ Б. Қосимов, Ш. Юсупов, У. Долимов, Ш. Ризаев, С. Аҳмедов. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. -Т.: "Маънавият", 2004 йил 256 бет.

тўртинчи йили ота-оналар розилиги билан болаларга рус тилидан ҳам сабоқ берган. Ундан сўнг шогирдлар маҳкамаларга мирзалик қилишлари, тижорат ишлари билан шуғулланишлари ёки усули жаҳид мактабларига муаллимлик қилишлари мумкин эди. Бехбудий қобилиятли, яхши хулқ-атворли болаларни ҳатто, чет элларга ўқишни давом эттиришга юборишни ҳам мўлжаллаган. Шундайлардан бири, усули жаҳид шогирди А.Азимий эди. У ўз хотираларида Бехбудийнинг уни Туркияга ўқишга юборишга ҳомий бўлганлигини ёзади: "Сиз меним кўрсатмаларимдек Истанбулдаги Боязит талабалар жамиятига борингиз. Менинг ва Гаспиринский афандининг салом ва мактубини у ерга етказингиз"¹, дейди Бехбудий меҳрибонларча ва унинг таҳсили учун маблағ юбориб туражagini айтиб, уни кузатиб кўяди. Бехбудийнинг бундай шогирдлари анча бўлган. Бехбудийнинг маърифат йўлидаги хизматларидан яна бири бунинг оми халқ орасида зиё тарқатмоқ учун ташкил этган кутубхонаси эди. Бехбудий биринчи бўлиб Самарқандда мусулмон кутубхонасини ташкил этиш фикрини аҳли илм, ақрабою уламолар олдиға кўяди ва бу йўлда уларни ҳамжиҳатликка чақиради. Ўша даврда бир қанча вақт фаолият кўрсатиб, анча машҳур бўлган ушбу кутубхона ҳақида даврнинг етакчи наشري саналган "Туркистон вилоятининг газети" да хабарлар бериб борилган. Самарқандда кутубхона ташкил этиш каби хайрли ният туғилганлиги ҳақида "Туркистон вилоятининг газети" да Бехбудий имзоси билан "Об открытие мусульманской библиотеки читальний в Самарканд Мутолаахона" деган мақола босилади. Унда "Самарқандда умумий мутолаахона библиотека, читальний очмоқ учун ўн икки нафар мухтарам кишилар ила бирга 27 бобдан иборат бир дастур, устаф тузиб, жаноб баланд даражалик Самарқанд губернаторига топшуруб эдуки, иншоолло, қонуннома жамияти мустаҳкам бўлди"², дейди муаллиф.

Шундан қилиб, Самарқандда очилган биринчи мусулмон кутубхонаси катта бир шижоат, завқ-шавқ билан ишлай бошлайди. Кутубхона эрталаб 9дан, кеч соат 5гача, иккинчи сменада эса бдан кеч 12гача доимо очик туради. Кеча ва кундуз 60дан 110 нафар-гача ўқувчи шуғулланишга кира бошлайди. Зиёхона китоб фонди ҳам ўзига яраша бойиб боради. Дастлаб, бой ва савдогарлар бу жойга Қуръони Карим ва бошқа диний китоблардан совға қилади. Бехбудий бу ҳақда "Китобхонамизға 600 нав мухталиф китоб ва рисоалар ва ўндан зиёда жарид ва мажаллалар омада ва муҳайёдир. Оқча кўпайса, диний ва дарсий китоблардан кўпроқ олинади..."³, дейди. Бехбудий келажакда Истанбул ва Мисрдан ҳам газета, журналлар олиш нияти борлигини айтади. Кутубхонага меҳри тушиб қолган Самарқанднинг бойлари, савдогарлари иона ва хайриялар қила бошлайди.

¹ <http://info.islom.uz/content/view/1238/855/>.

² <http://info.islom.uz/content/view/1238/855/>.

³ И.Тўлак. XX аср ўзбек адабиёти. "Андижон", 1993 йил, 19-бет.

"Туркистон вилоятининг газети" саҳифаларида Бехбудий имзоси билан бундай саховатпеша ва маърифатпарвар кишиларнинг узундан-узоқ рўйхати берилиб, олқишлар билан ёзиб борилади. 1908 йилнинг охирларига келиб кутубхона ишлари яхши изга тушиб кетади. Ушбу "Бехбудия" кутубхонаси Вадуд Маҳмудийнинг "Муаллим Абдулқодир Шакурий" номли ҳужжатли қиссасида ҳам тилга олинган. "Бехбудий жуда бой кутубхонанинг эгаси эди. 1000 жилдлик китоб фондига эга бўлган бу мутолаахона барча учун доимо очик эди. ўша вақтларда бу китобларнинг ҳар бири олтин баҳосида ҳисобланарди. Бехбудий бу жойнинг биноси ва бошқа харажатларини ўз чўнтагидан тўлар эди"¹, дея эслайди Вадуд Маҳмудий. Ушбу зиёхонанинг Октябрь тўнтаришигача мавжул бўлганлиги, кейинчалик унинг тақдири барча маънавий қадриятларимиз каби тўнтарувчилар томонидан ёқиб, улоқтирилиб, қолганларини қопларга жойлаб номаълум томонларга олиб кетилган деган тахминлар бор.

Бехбудий миллатнинг тараққиётида, энг аввало, ёшлар тарбиясига эътибор берар экан, уларнинг маърифий, маданий, сиёсий жиҳатдан юксалишига ҳам йўлбошчилик қилди. Жумладан, 1910 йилда "Бухоро нашри маорифи" тўғарагини тузишда фаоллик кўрсатади. Кейинчалик бу тўғарак "Ёш бухороликлар" номи билан машҳур бўлган. 1916 - 1919 йилларда Бехбудий Туркистонни мустамлакачиликдан қутқариш сиёсатида ҳам фаоллик кўрсатади. Туркистон Автоном совет республикаси ишларида иштирок этган. Уни Самарқанддаги "Мусулмон ишчи шўроси"га маориф комиссари қилиб тайинлайдилар. Бехбудий бу ерда ишлашга рози бўлмай, рад жавобини берган. Юқорида муаллиф томонидан эътироф этилганидек, у бу иш билан шуғулланишга мажбур эди. Лекин Бехбудий шундай мураккаб шароитда ҳам Туркистон маорифи учун кўп фойдали ишлар қилишга уринади. Бу вақтлар ичида у мактаб-маориф ишларини яхшилаш, янги дарсликлар тузиш масалалари билан шуғулланади, ўқув режаларини тузиб комиссарликка тақдим этди. Муаллифнинг янги мактаблар учун бу даврда "Янги ҳисоб" дарслиги яратганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бехбудий ижодига назар ташлар эканмиз, унда мактаб-маориф ишлари тарғиботи масаласи ҳам салмоқли ўринга эга эканлигини гувоҳи бўламиз. У Туркистон маорифини ривожлантириш, янги мактаблар очиш, жойларда саховатпеша, тараққийпарвар кишилар томонидан таъсис этилаётган билим ўчоқларини кўпайтириш учун тарғиб-ташвиқ ишларини кучайтирди. Газета ва журнал саҳифаларида маориф масаласи мунтазам равишда ёритилиб, Туркистоннинг қайси вилояти, кенти, тумани бўлмасин, у ердаги янги усул мактабларининг ривожини, тараққиёти учун жон куйдирди. Бундан ташқари, янги усул мактаби яратишни кўнглига тугиб, бу хайрли ишни бошламоқчи бўлаётганлардан ўз билимини, маслаҳатларини аямади.

¹ Ўша манба.

Ҳар қандай янгиликка нисбатан шубҳалар уйғонгани каби, "усули жаид" мактабларига ҳам шубҳа билан қаровчилар кўп эди. Шубҳачилар ҳар жойларда ҳар хил бўлмағур гаплар тарқата бошлаган эдилар. 1914 йилда Самарқанднинг Улуғбек мадрасасида бир муаззин намозга келган мусулмонларга қарата нутқ сўзлайди. "Усули жаид" да ўқиганларнинг барчаси кофир бўлажagini уқтиради. Шундан сўнг фарзандлари усули жаидда ўқиётган ота-оналар ғалати аҳволга тушиб қолади. Вилоят маҳкамасига ушбу гапни тарқатувчиларни ва муаззинни чақирганларида улар ўз гапларидан тонишади. Ушбу ҳодисадан таъсирланган Бехбудий "усули жаид" мактабларини ҳам шаърий, ҳам дунёвий томондан далиллар асосида мутаасиблардан ҳимоя қилиш лозимлигини англайди. Бу масалага бағишлаб "Оина" журналида у "Фавқулудда такфир" ва "Бизнинг ҳоллар ва ишлар" сарлавҳали мақолалар эълон қилади. Уларда муаллиф "усули жаид"да ўқиганларни "азалий ва абадий мусулмон"лигини таъкидлайди ва мутаасибларга қарата: "Биз, аввало, шунини ёзурмизки, на усули жаид мактабига ўқиган сабабли ва на русча ўқиган вазҳидан киши кофир бўлмайду. Муаззин мунга ҳея далили шаърий ва ақлий кўрсата олмайду", дейди куйиниб ва ўз фикрларини: "О, биз қандай кейин қолганмиз, халқи олам усули жаид ва илми замоний ила осмонларга учар, биз ҳануз бир-биримизни такфир ва талайин ила вақт ўтқарармиз"¹, деб хулосалайди. Шубҳачиларга, мутаасибларга, аввалги замон мусулмон ўлкасида ҳам мадрасаларда илм-фан гуркираб ривожланганлигини, улардан машҳур фозилу донишмандлар етишиб чиққанлигини айтади. Бу фикрлар, "Эски мусулмон мадрасаларинда нималар ўқитилар эди? сарлавҳали мақоласида баён этилган. Мақолада шундай асосли ва жўяли фикрларни учратамиз: "тўрт-беш сана илгаригача мусулмон оламинда мукамал дорилфунунлар, ҳикматхона, ва расатхоналар бор эди ва барча ислом оламинда илму ҳикмат ўқимоқ расм эди. Ҳатто, ер юзидаги бугунги фарангларни аждоди мусулмон дорилфунунига илми ҳикмат ўқурди. Қачондаги мусулмонлар дорилфунундан ва илми ҳикматдан совидилар. Кундан-кун таназзул ва кейин кетмоқга юз қилиб, бу кунги ҳолати паришонга етишдилар"², дейди.

Бехбудий усули жаидни ёқлаб, унинг ривожини учун жон куйдираётганлар ҳақида ўз матбуотидан алоҳида жой ажратиб, мунтазам равишда ёритиб борди. Бу йўлда фидоийлик кўрсатаётганларнинг номини олқишлар билан ёзиб борди. Бунга мисол қилиб "Оина" саҳифаларида сондан-сонга кўпайиб бораётган хабарларни келтириш мумкин. Шундай хабарлардан бири "Жиззахда мактаб" хабаридир. Бунда янги усулдаги мактабларнинг сони ҳам, шуҳрати ҳам ошаётганлигини қувонч билан баён этилади: "Ушбу кунгача Жиззах шаҳринда мактаби савтия йўқ эди. Ҳолбуки, аксар шаҳарларнинг қишлоқлариғача бу

¹ "Оина" журнали, 1914 йил, 31-сон.

² "Оина" журнали, 1914 йил, 31-сон.

нафлик мактаб ёзилгандир. Аммо бу охир вақтларда Жиззахнинг мўътабар савдогарларидан мулла Аҳмадхон Носирбой ўғли жаноблари мактаб бино қилмоқға ният этиб, фотиҳа олдилар. "Оина" идораси янги мактаб ташкил этган Жиззахлик биродарларини табрик этиб, жаноби мулла Аҳмадхонга миллатпарастликлари учун ташаккур этар. Оллоҳи таоло аъмолини кўпайтирсун!¹.

Хўқандлик Ақобир Шомансурийнинг "Оина" да босилган "Хўқандда янги мактаб" сарлавҳали хабаридаги мулоҳазалар ҳам эътиборлидир. Унда муаллиф "Хўқанд ёшларидан олиҳиммат ва саховатпеша жаноб Маҳмуд Абдулқосим ўғли Қипчоқ Ариқ маҳалласининг масжидиға усули жаид учун бир мактаб учун икки хужра бино қилгани"² ни олқишлаб ёзади ва мазкур мактаб очилган вақтдан 60 нафар бола ўқиган бўлса, икки ой ичида болалар 90 нафарга етгани ҳақида хабар беради. Бу мавзудаги "Ҳамиятлик қози" хабарида эса: "Марғилон шахрининг қозиси Музаффархон усули жаид учун бир боб усули жаид мактабига фатво олди. Баъзи шаърият пешволари бу усулни тушунмагани ҳолда Музаффархоннинг нияти миллат болалариға соябон бўлиш шояд. Яшасун қози Музаффархон!"³, дея таракқийпарвар қозининг номини олқишларга кўмади. Бу вақтларда "усули жаид" мактаби очиб, болаларни саводли қилиш иши анча йўлга қўйилган эди. Ҳатто, ўрта ҳол кишилар ҳам бу йўлда бел боғлаб, муаллимларга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатаётган эдилар. "Жомбойдан мактуб" хабарида муаллим мулла Комил афанди уч йилдан бери кечки ва кундузги мактабда дарс ўқиётганлигини, бу ишда моддий жиҳатдан бозорнинг амини, жаноб Ўринхўжанинг хизмати катта эканлигини ёзади ва: "Ул киши фақир бўлсада, жуда ҳимматлик. Буни мен бошқаларга ибрат бўлиши учун ёздим, дейди. Ҳамиятли, саховатпеша савдогарлар Туркистоннинг асл фарзандлари, мактаб-маориф ишларига бефарқ бўлмай, кўлидан келган ёрдамларини бераётганлар ҳақида Тошкентдан машҳур Мунаввар қори Абдурашидхон ёзади: "Туркистонда биринчи намуна мактаби"⁴ хабарида у ушбу мактаб очилишидан бошлаб, жуда кўп бола қабул қилинганлигини, ҳатто болаларга жой етмай қолганлигини айтади. Шунда савдогарлардан мулла Абдулҳаким афанди парта сотиб олиб берганлигини, Мирдадахон афанди мактаб учун жой берганлигини қувонч билан ёзади.

М. Бехбудий мактаб-маориф ривожига ташвиқот йўлини тутар экан, Туркистонда, ва қолаверса дунёда маърифат йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлардан хабардор бўлади ва улардан ўз ўрнида илму маърифат ташвиқоти йўлида фойдаланади. Бу эса тарғиботнинг энг қулай, қисқа ва лўнда усулларида бири эди.

¹ И. Тўлак. XXаср ўзбек адабиёти. "Андижон", 1993 йил, 28-бет.

² Ўша манба.

³ Ўша манба.

⁴ И. Тўлак. XXаср ўзбек адабиёти. "Андижон", 1993 йил 29-бет.

Бехбудий ижодига назар ташлар эканмиз, унда мактаб-маориф ишлари тарғиботи масаласи ҳам салмоқли ўринга эга эканлигини гувоҳи бўламиз. У Туркистон маорифини ривожлантириш, янги мактаблар очиш, жойларда саховатпеша, тараққийпарвар кишилар томонидан таъсис этилаётган билим ўчоқларини кўпайтириш учун тарғиб-ташвиқ ишларини кучайтирди. Газета ва журнал саҳифаларида маориф масаласи мунтазам равишда ёритилиб, Туркистоннинг қайси вилояти, кенти, тумани бўлмасин, у ердаги янги усул мактабларининг ривожини, тараққиёти учун жон куйдирди. Бундан ташқари, янги усул мактаби яратишни кўнглига тугиб, бу хайрли ишни бошламоқчи бўлаётганлардан ўз билимини, маслаҳатларини аямади.

Ҳар қандай янгиликка нисбатан шубҳалар уйғонгани каби, "усули жаид" мактабларига ҳам шубҳа билан қаровчилар кўп эди. Шубҳачилар ҳар жойларда ҳар хил бўлмағур гаплар тарқата бошлаган эдилар. 1914 йилда Самарқанднинг Улуғбек мадрасасида бир муаззин намозга келган мусулмонларга қарата нутқ сўзлайди. "Усули жаид" да ўқиганларнинг барчаси кофир бўлажагини уқтиради. Шундан сўнг фарзандлари усули жаидда ўқиётган ота-оналар ғалати аҳволга тушиб қолади. Вилоят маҳкамасига ушбу гапни тарқатувчиларни ва муаззинни чақирганларида улар ўз гапларидан тонишади. Ушбу ҳодисадан таъсирланган Бехбудий "усули жаид" мактабларини ҳам шаърий, ҳам дунёвий томондан далиллар асосида мутаасиблардан ҳимоя қилиш лозимлигини англайди. Бу масалага бағишлаб "Оина" журналида у "Фавкулотда тақфир" ва "Бизнинг ҳоллар ва ишлар" сарлавҳали мақолалар эълон қилади. Уларда муаллиф "усули жаид"да ўқиганларни "азалий ва абадий мусулмон"лигини таъкидлайди ва мутаасибларга қарата: "Биз, аввало, шуни ёзурмизки, на усули жаид мактабига ўқиган сабабли ва на русча ўқиган вазҳидан киши кофир бўлмайду. Муаззин мунга ҳея далили шаърий ва ақлий кўрсата олмайду"¹, дейди қўйиниб ва ўз фикрларини: "О, биз қандай кейин қолганмиз, халқ олам усули жаид ва илми замоний ила осмонларга учар, биз ҳануз бир-биримизни тақфир ва талайин ила вақт ўтқарармиз"², деб хулосалайди. Шубҳачиларга, мутаасибларга, аввалги замон мусулмон ўлкасида ҳам мадрасаларда илм-фан гуркираб ривожланганлигини, улардан машҳур фозилу донишмандлар етишиб чиққанлигини айтади. Бу фикрлар, "Эски мусулмон мадрасаларинда нималар ўқитилар эди? сарлавҳали мақолада баён этилган. Мақолада шундай асосли ва жўяли фикрларни учратамиз: "тўрт-беш сана илгаригача мусулмон оламинда мукамал дорилфунунлар, ҳикматхона, ва расатхоналар бор эди ва барча ислом оламинда илму ҳикмат ўқимоқ расм эди. Ҳатто, ер юзидаги бугунги фарангларни аждоди мусулмон дорилфунунига илми ҳикмат ўқурди.

¹ М.Бехбудий. Танланган асар. -Т.: "Маънавият", 2009 йил, 6-бет.

² Ўша манба.

Қачондаги мусулмонлар дорилфунундан ва илми ҳикматдан совидилар. Кундан-кун таназзул ва кейин кетмоқға юз қилиб, бу кунги ҳолати паришонга етишдилар", дейди.

Беҳбудий усули жаҳидни ёқлаб, унинг ривожини учун жон қуйдираётганлар ҳақида ўз матбуотидан алоҳида жой ажратиб, мунтазам равишда ёритиб борди. Бу йўлда фидоийлик кўрсатаётганларнинг номини олқишлар билан ёзиб борди. Бунга мисол қилиб "Оина" саҳифаларида сондан-сонга кўпайиб бораётган хабарларни келтириш мумкин. Шундай хабарлардан бири "Жиззахда мактаб" хабаридир. Бунда янги усулдаги мактабларнинг сони ҳам, шуҳрати ҳам ошаётганлигини қувонч билан баён этилади: "Ушбу кунгача Жиззах шаҳринда мактаби савтия йўқ эди. Ҳолбуки, аксар шаҳарларнинг қишлоқлариғача бу нафлик мактаб ёзилгандир. Аммо бу охир вақтларда Жиззахнинг мўътабар савдогарларидан мулла Аҳмадхон Носирбой ўғли жаноблари мактаб бино қилмоқға ният этиб, фотиҳа олдилар. "Оина" идораси янги мактаб ташкил этган Жиззахлик биродарларини табрик этиб, жаноби мулла Аҳмадхонга миллатпарастликлари учун ташаккур этар. Оллоҳи таоло аъмолини кўпайтирсун!"¹.

Хўқандлик Ақобир Шомансурининг "Оина" да босилган "Хўқандда янги мактаб" сарлавҳали хабаридаги мулоҳазалар ҳам эътиборлидир. Унда муаллиф "Хўқанд ёшларидан олиҳиммат ва саховатпеша жаноб Маҳмуд Абдулқосим ўғли Қипчоқ Ариқ маҳалласининг масжидиға усули жаҳид учун бир мактаб учун икки хужра бино қилгани"²ни олқишлаб ёзади ва мазкур мактаб очилган вақтдан 60 нафар бола ўқиган бўлса, икки ой ичида болалар 90 нафарга етгани ҳақида хабар беради. Бу мавзудаги "Ҳамиятлик қози" хабарида эса: "Марғилон шаҳрининг қозиси Музаффархон усули жаҳид учун бир боб усули жаҳид мактабига фатво олди. Баъзи шаърият пешволари бу усулни тушунмагани ҳолда Музаффархоннинг нияти миллат болалариға соябон бўлиш шояд. Яшасун қози Музаффархон!"³, дея тараккийпарвар қозининг номини олқишларга кўмади. Бу вақтларда "усули жаҳид" мактаби очиб, болаларни саводли қилиш иши анча йўлга қўйилган эди. Ҳатто, ўрта ҳол кишилар ҳам бу йўлда бел боғлаб, муаллимларга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатаётган эдилар. "Жомбойдан мактуб" хабарида муаллим мулла Комил афанди уч йилдан бери кечки ва кундузги мактабда дарс ўқиётганлигини, бу ишда моддий жиҳатдан бозорнинг амини, жаноб Ўринхўжанинг хизмати катта эканлигини ёзади ва: "Ул киши фақир бўлсада, жуда ҳимматлик. Буни мен бошқаларга ибрат бўлиши учун ёздим"⁴, дейди, аҳамиятли, саховатпеша. Савдогарлар Туркистоннинг асл фарзандлари, мактаб-маориф ишларига бефарқ бўлмай, қўлидан келган ёрдамларини

¹ М.Қуроноф. Миллий тарбия.-Т.: "Маънавият", 2007 йил, 60-бет.

² Ўша манба, 61-бет.

³ Ўша манба, 63-бет.

⁴ М.Беҳбудий. Танланган асарлар.-Т.: "Маънавият" 2009 йил, 155-бет.

бераётганлар ҳақида Тошкентдан машҳур Мунаввар қори Абдурашидхон ёзади: "Туркистонда биринчи намуна мактаби"¹ хабарида у ушбу мактаб очилишидан бошлаб, жуда кўп бола қабул қилинганлигини, ҳатто болаларга жой етмай қолганлигини айтади. Шунда савдогарлардан мулла Абдулҳаким афанди парта сотиб олиб берганлигини, Мирдадахон афанди мактаб учун жой берганлигини қувонч билан ёзади.

М. Беҳбудий мактаб-маориф ривожда ташвиқот йўлини тутар экан, Туркистонда, ва қолаверса дунёда маърифат йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлардан хабардор бўлади ва улардан ўз ўрнида илму маърифат ташвиқоти йўлида фойдаланади. Бу эса тарғиботнинг энг қулай, қисқа ва лўнда усулларида бири эди. Беҳбудийнинг янгиликни тарғиб қилувчи "Орзу ва ҳаёл" ва "Ҳушим келмайдур" мақолаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки, бу мақолалар даврнинг асл акс-садоси бўлиб янгради. Ундаги муаллиф томонидан айтилган фикрлар, кинояли сўзлар кишини бефарқ қўймайди. Балки, ўйлашга, инсоннинг бу борадаги фикр "булоқ"ларини очишга хизмат қилади. Шу ўринда бу икки мақоланинг биридан парча бериб ўтиш жоиз.

“Орзу ва Ҳаёл”; Агар мен бой бўлганимда эди, тўй ва азаларга кетаётган сарфларни муаллим етиштурадиган бир шаърий мактаб қурар эдим. Лекин, афсуски, пулим йўқ. Чин уламолардан бўлсам эдим, фойдасиз мажлислар ўрнига тафсир, ҳадис каби зарур илмларни шогирдларимга ўргатар эдим ва ҳозирги жаҳид билан қўшар эдим. Лекин, таассуфдирки, жоҳилдурман. Агар мен хатиб бўлсам эдим, минбар хитобатга чиқиб ўзбекча хутба ўқир эдим. Токи халқ сўзимга тушуниб, матаъсир бўлсунлар. Лекин, на қилайки, одамларга хушомад ва муроса қилиб, хатиблик мансабиға чиқмоқни виждоним қабул қилмайдур. Агар менинг нуфуз ва иқтидорим бўлса эди, барча мактаб ва мадрасаларни мувофиқи замон ислоҳи этиб, таълим ибтидоияни мажбурий қилиб, ўғлини ўқитмаган кишиларга жазо берар эдим ва мунинг ила 25 йил ичида бутун Туркистонни маориф ва маданият нури ила зиёлантлар эдим. Лекин, оҳ! начораки... Агар мен муаззин бўлсам эдим, саҳар чоғида минора устиға чиқиб, азондан кейин "Ой, мусулмонлар! ғафлат ва жаҳолатдан уйғонингизки, маориф офтоби мағрибдан чиқа бошлади", деб қичқирар эдим." ²

Албатта, ҳаётдаги ҳар бир янгилик ўзининг ҳақиқий пойдеворига - илдизи бақувват ғояларига эга бўлсагина умрбоқий бўлади, кишилар онгига осон сингади. Ушбу ғояларни унинг яратувчилари халққа қай даражада кенг етказа олиши билан боғлиқ. Юртбошимиз таъбири билан айтганда “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди

¹ Ўша манба. 155-бет.

² М.Беҳбудий. Танланган асарлар. -Т.: “Маънавият”, 2009 йил, 31-бет.

– бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир”¹, Шунинг ҳам таъкидлашимиз лозимки, М.Бехбудий мактаб-маориф ишларини тарғиботида ҳам ўз даврининг етакчиларидан бўлган. Унинг мактаб-маориф ишидаги катта хизматларидан бири - худди мана шу тарғибот иши эди. Чунки ўша, келажакнинг ойдин йўллари "кишанланган" давр учун мана шунинг ўзи ҳам катта қаҳрамонлик, жасорат билан баробар эди. Зеро Бехбудийни ва унинг маърифатпарвар издошларига умрига таҳдид солувчилар кўп эди. Лекин буюк маърифатпарварлар уларга мардона туриб, ўзлари танлаган маърифат йўлидан ҳеч қачон қайтмаслигини, Туркистон ўлкасини мустақиллик, озодлик, эркинлиги учун халқнинг миллий қадриятларини ўз мақсад муддаолари, шу билан бирга умумбашарий тарақиёт ютуғлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интиланлар, бугунги кун ва келажак авлод учун ўз жонларини фидо қилишга тайёр эдилар.

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008 йил, 48-бет.

ХУЛОСА

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасида бўлиб ўтган даврни кўздан кечириб ундан қандай тарихий, илмий ва назарий хулосалар ва сабоқлар чиқариш мумкин? Бу даврдаги воқеа ва ҳодисалар Туркистон туб аҳолиси миллий онгида озодлик, адолат, тенглик каби ғояларини шакллантирди. Ўз навбатида бундай ғояларнинг шаклланиши қуйидаги воқеалар асносида юз берди.

Тарих саҳнасида намоён бўлиб келаётган Россия империяси жаҳонга ҳукмронлик қилиш даъвоси билан нафас олган чор Россияси қадим-қадимдан туркий халқлар ҳудудини эгаллаш ҳаваси билан яшаган. Волгабўйи, Урал-Олтой ва Шарқий Сибирдаги туркий халқлар истиқомат қилган ҳудудларда хўжайинликни қўлга киритган Россия XIX аср охирларига келиб Туркистоннинг катта ҳудудини эгаллади. Жуда катта ва даҳшатли босқинлар уйиштирди, қирғинлар қилди ва оқибатда Қўқон хонлигини тугатди, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ўз вассалига айлантирди.

Россия империяси Туркистон ўлкасида оғир ва аянчли мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Ўлка бойликларини талади ва Россияга ташиб олиб кетди. Чор Россияси томонидан амалга оширилган қурилишлар ва маданий –маърифий тадбирлар ўлка бойликларини кўпроқ ва мўлроқ ташиб кетишга қаратилган эди. Мустамлакачилик ўлкада ерли халқларнинг маънавий қадриятларига, тили, дини, миллий урф-одатларига тажавуз қилди. Маҳаллий халқнинг барча эркинликларидан маҳрум қилди. Бундай мустамлакачилик сиёсати эса Туркистон халқларида озодлик ғояларни янги тўлқинларини юзага келтирди.

Зеро, Туркистон ўлкаси халқлари ҳам XX аср бошларида яқинлашиб келаётган озодлик ва эрк учун курашнинг қудратли ларзалари нафаси билан яшадилар. Бу даврда Туркистонда демократик ҳаракат икки йўналишда намоён бўлди. Биринчиси, сотсиал-демократик ҳаракат бўлиб, бу ҳаракатнинг асосий намоёндалари Россиядан турли тақдирлар тақозоси билан ўлкага келган русийзабон халқларнинг вакиллари эдилар. Туб ерли маҳаллий халқ уларга ётсираб, бегонасираб қаради. Келгинди сотсиалдемократлар илгари сурган ғоялар Туркистон меҳнаткашларига тушунарсиз бўлганлигидан уларга эргашмадилар ҳам.

Туркистоннинг туб ерли маҳаллий халқи демократик ҳаракатнинг, асосан, иккинчи йўналишига эргашдилар. Чунки бу йўналишда илгари сурилган ғоялар туб ерли маҳаллий миллат вакилларининг интилишлари, қизиқишлари ва туб пировард мақсадларини ифода этар эди. Туркистондаги демократик ҳаракатнинг иккинчи йўналиши, асосан, жадиличликда ўз аксини топди. Бу ҳаракатнинг атоқли ва кўзга кўринган вакиллари

Исмоил Гаспринский, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва бошқалар бўлиб, улар миллий истиқлол, эрк ва озодлик ғояларини илгари сурдилар, ҳақиқат ва адолат учун курашдилар. Шунингдек озодлик ва эрк учун курашнинг Туркистон жаидчилари маърифатпарварлик усулидан фойдаландилар, Туркистон мухторияти мисолида миллий давлатчиликнинг ҳукукий демократик назариясини яратдилар.

“Жаидчиликнинг феномени шундаки,-деб ёзади профессор Д.А. Алимова,- кейинги уч аср ичида бу оқим биринчи бўлиб миллий давлатчилик қуришига уринди, ягона мустақил Туркистон учун курашди ва миллий мустақиллик ғоясига асос солди, уйқудаги Шарқни уйғонишга ва ҳаракатланишига, озодлик, миллий ғурур, ўз буюк аجدодлари, бой маданияти ва, умуман, мустамлака тузумининг тазйиқи остида унутилган барча кадриятларини хотиралашга ундади. Жаидлар таълимоти – ўз замонасини ҳақиқий таълимоти эди. Чунки у нафақат тараққийпарвар шахслар, балки фикрловчи ёшларни, шунингдек, барча тараққийпарвар зиёлиларни ўз кетидан эргаштира олди. Уларнинг фаолияти ва дастури келажак учун намуна бўлди. Жаидлар томонидан жамиятда пишиб етилган ижтимоий вазифаларни эволюцион – ислохотчилик тамойиллари асосида ҳал этиш ишлаб чиқарилганлиги, уларнинг формацион институционал ўзгартиришларни, мустамлака тузимини тубдан йўқотишнинг максимал даражада самарали йўлларини танлай билганликлари, шубҳасиз, уларнинг тарихий хизматларидир. Жаидларнинг концептуал ғоялари ҳозирги ўзгаришлар амалиётининг маънавий даракчиси, бугунги кундаги стратегия ва кенг қамровли ислохотлар курсининг гинетик асоси бўлиб хизмат қилди.”

Демак, жаидчилик янги бир давр палласида халқимиз маънавий тафаккурини яна бир поғона юксакка кўтарди. Жаидларнинг фалсафий ахлоқий қарашлари, миллий истиқлол ғоясининг муҳим тараққий босқичи вазифасини ўтаб берди. Зеро, бугунги глобаллашув жараёни ўтмишда ҳам ҳозир ва келажакда ҳам миллий ғояга бўлган заруриятни ошириб боради. Шундай экан, жаидларнинг маърифатпарварлик ғоялари, фидоийлик ва гуманизм сингари фалсафий-ахлоқий қарашлари билан суғорилган миллий истиқлол ғоямиз мустақиллигимизнинг мустаҳкамлашга, ватан равнақини юксалтиришга хизмат қилади.

Зеро жаид халқининг миллий тарихларига назар ташлар эканмиз, ҳар бир миллатда ватанпарвар фидоиларнинг борлиги, кўплиги миллат тарақиётни юксалтирганини кўрамиз. Бунга мисол қилиб: Конфутцийнинг миллий бирликни сақлаш йўлидаги фидоилигини биламиз. Соҳибқурон Амир Темурнинг фидоиликлари

миллатнинг дардига дармон бўлмоқ каби шиорларнинг амалида намоён бўлди, шунингдек Мир Алишер Навоий, ал-Фарғоний, ал-Хоразми, Абу Райхон Беруний, Нақишбандий, Яссавий жадид боболаримизни эъзозига мушарраф қилган М Бехбудий, Мунаввар Қори, А.Авлоний, Фитрат, Чўлпон каби жадид боболаримизни ҳам ўз миллатига, Ватанига, Ватан-Мустақиллигига, унинг озодлиги учун кеча кундиз жонини аямасдан меҳнат қилганларини, бугун қай даражада инсондан меҳнатсеварлик ва ватанпарварликни талаб қилишини кураимиз. Улардаги таълим-тарбияни, маърифат уруғларини миллат озодлиги мустақилликка эришиш йўлида ёйишган эзгулик уриғларини жадид боболаримиз, уломаларимиз саййхаракатлари, фидойлиги сизу-бизга ўрнақдир.

Бугунги кундаги Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ҳам манашундай буюк мутафакирларимиз ва маърифатпарвар боболаримиз каби эзгулик сари ватанга садоқат билан хизмат этиш керак эканлигини ангаш мумкун.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ

Рахбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008 йил.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. 7-жилд, -Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2010 йил.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011 йил.

Илмий адабиётлар

1. Аъзамхўжаев С.С. Туркистон мухторияти жадиdчилик миллий-демократик давлатчиликл ғояларининг амалдаги ифодаси. -Т.: “маънавият”, 1999 йил.
2. Б.Қосимов, Ш. Юсупов, У.Долимов, Ш.Ризаев, С. Аҳмедов. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. -Т.: “Маънавият”, 2004 йил.
3. Жадиdчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва таракқиё учун кураш -Т.: “Университет”, 1999 йил.
4. И.Ғофуров. Миллатнинг биллурланиши. “Халқ сўзи”, 1995 йил 5 январь.
5. Қосимов Б. Юсупов Ш. Долимов Д. Ризаев Ш. Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. -Т.: “Маънавият”, 2004 йил.
6. М.Қуронов. Миллий тарбия. -Т.: “Маънавият”, 2007 йил.
7. Маҳмдхўжа Бехбудий Танланган асарлар Т.: “Маънавият” 2009 йил.
8. Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси. -Т.: “Университети”, 1993 йил.
9. Солихов М. Б. Ўзбек театри тарихи учун материаллар. -Т.: 1935 йил.
10. Тўлак. И ХХ аср ўзбек адабиёти. “Андижон”, 1993 йил.
11. Шамсутдинов Р. Жадиdчилик: ҳақиқат ва уйдирма// Мулоқот / -Тошкент, 1991. - № 11-12 сонлар.
12. Шамсутдинов Р. Расулов Б. Истиқлол учун кураш фидойилари. – Андижон: Мерос, 1993 йил.
13. Тарихий меросимизга бир назар. –Андижон: Мерос, 1994 йил.
14. Ўзбегим. “Звезда Востока” журнали кутубхонаси. “Ватан” серияси. -Т.: 1992 йил.
15. Ўзбекистон ССР тарихи, 2-том, “Фан”, -Т.: 1971 йил.
16. Фитрат А. Танланган асарлар, 1-жилд. -Т.: “Маънавият”, 2000 йил.

17.Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан.-Т.: “Ўқитувчи”, 2002 йил.

Журналлар

1. “Улуғ Туркистон”, 1917 йил, 8-декабрь.
2. “Туркистан” газетаси.
3. “Шарқ юлдузи”,1992 йил,10-сон.
4. “Ойина” журнали; 1913 йил, 10-сон.
5. www.ziyouz.com.
6. <http://info.islom.uz/content/view/1238/855/>.